



# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг газетаси

• 1995 йил, 7 апрель • 14 (208)

## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Молдова Республикаси Президенти Мирча Снегур таклифига биноан давлат ташрифи билан Кишинёвда бўлди. Ташриф чоғида Молдова Президенти қароргоҳида икки давлат раҳбарлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида тор донрада музокаралар ўтказилди. Давлат тантаналари саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Молдова Республикаси Президенти М. Снегур кенгайтирилган тартибда музокаралар ўтказилди. Музокаралар ниҳоясида икки давлат бошлиқлари томонидан ўзаро ҳамкорликка оид бошқа қўшма ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Ўзбекистон раҳбари Молдова парламенти раиси П. Лучинский ва парламент кўмиталари раҳбарлари билан ҳам учрашди. Ислам Каримов ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро дўстликнинг, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳамда илмий соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилганидан мамнуният изҳор этди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов Тожикистон Ислам уйғониш ҳаракати раисининг ўринбосари А. Тўражонзода, Тожикистон демократик кучларни мувофиқлаштириш марказининг раиси О. Латифий ҳамда Тожикистон Демократик партияси раисининг ўринбосари Х. Холиқназаровни уларнинг илтимосига биноан қабул қилди.

Учрашув чоғида минтақада хавфсизликни таъминлаш масалалари, Тожикистон атрофида юз бераётган вазият ҳамда бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш тўғрисида фикрлашиб олинди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифига биноан Индонезия Республикаси Президенти Сухарто 8-10 апрель кунлари, Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог 11-13 апрель кунлари мамлакатимизга ташриф буюрдилар.

• **РЕСПУБЛИКА** Ташқи ишлар вазирлиги қабуллар уйида дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ва вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва журналистлар билан учрашув бўлди. У Президент Ислам Каримовнинг ҳаётининг муҳолифати билан яқинда бўлиб ўтган учрашувга бағишланди. Учрашувни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошқарди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Марказий банкда оммавий ахборот воситалари ва чет эл журналистлари иштирокида мамлакатимиз билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Уни республика бosh вазири ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов бошқарди.



Кўндан буён “Юлдуз” тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикилган костюм-шимлар халқимизга манзур бўлмоқда. Бунга бирлашмада юқоридан белгиланган режани уддалашга барҳам берилганлиги, ҳар бир тикувчининг иш сифати биринчи даражага кўтарилганлиги туфайли эришилмоқда. Илгор тикувчи Зухра Собирова эса костюм-шимларни сифатли тикишда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда.

Суратда: илгор тикувчи Зухра Собирова.

А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.

Бугунги кунда тарихга айланган Ўзбекистон касаб уюшмаларининг XV қурултойи Республикаимиз энг оммавий ташкилоти ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Унинг тарихий қарорлари бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнаткашлар манфаатлари, аҳоли кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги, замонавий услубларини, касаб уюшмалари фаолияти самаралилигининг бош омилларини белгилаб берди. Энг муҳими — халқ ҳўжалиги, маънавий-маданий ҳаётининг барча соҳаларидаги касаб уюшма ташкилотларини ягона мақсад йўлида жипс-лаштириш, улар куч-ғайратларини янги асосларда бирлаштиришга эришилди, касаб уюшмаларини келажак буюк давлатни барпо этишга муносиб ҳисса қўшишни таъминловчи муҳим ҳужжатлар — Низом ҳамда Дастуриламал билан қуролландирди.

XV қурултой республика касаб уюшмаларининг жамиятимиздаги мавқеи, обрў-эътиборини рўй-рост намойиш этганлигини эътирос ва ҳаяжонли дамлар ортда қолган бугунги кунда чуқурроқ ҳис этишимиз. Унинг ишида қатнашган 13 мамлакатнинг 17 делегацияси аъзоларининг яқдил фикрлари ҳам бунга гувоҳлик бериб турибди.

— Федерациянгиз ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш босқичида ҳам меҳнаткашлар манфаатини муҳофазалашга бағишланган куч-ғайратларини юксак баҳолаймиз, — деди қурултой минбаридан туриб Умумхотой касаб уюшмалари Федерацияси Ижроия кўмитасининг аъзоси, Нефть, киме ва табибиет саноати ходимлари касаб уюшмасининг раиси Лю Шоужен, — ишончимиз комилки, Ўзбекистон касаб уюшмалари ҳаёт тугдираётган қийинчиликларни бартараф этиб, янги янада юксак натижаларга эришадилар.

Хитойлик ҳамкасби фикрини қувватлаган Россия мустақил касаб уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари В. Гончаров “Ўзбекистон касаб уюшмалари ҳозирги шароитларда меҳнаткашларни муҳофазалашнинг кўпгина масалаларини ҳал этиш йўлларини топа олаётганликларни бизлар учун ибратли намунадир” деб таъкидлади.

“Мустақил миллий, демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, ижтимоий тизимини ўзгартириш... Сизларда меҳнаткашларнинг туб манфаатларига зиён етказмасдан, ўз хусусиятинингиз ва қиёфанингиз, уюшқоқлик ва интизомни сақлаган ҳолда амалга оширилаётганлигиндан бизлар қувонмоқдамиз ва ҳайратланмоқдамиз”, — Қирғизистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Э. Абакиров эътирофи бу.

Қурултойимизнинг бу қадар нуфузли ва самарали, делегатларнинг бошдан-охиргача гоят ақдллиги руҳида ўтиши тасодифий ҳол эмасди. Чет эллик меҳмонлар яқдиллик билан таъкидлаган Республика Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон ҳукумати ва пастдан-юқоригача ҳокимият идораларининг касаб уюшмаларимиз фаолиятига хайрихоҳларча муносабатлари қурултой руҳини белгилаб берди. Айниқса, қурултой олдидан касаб уюшмалари фаолларининг юртбошимиз томонидан қабул қилиниши, у ердаги қимматли фикр алмашув нафақат қурултой иштирокчилари, балки меҳнат аҳли барча қатламлари хотирасида унутилмас из қолдирди.

Бу учрашувнинг муҳим моҳияти шундаки, давлат, ҳокимият органлари билан касаб уюшмаларининг ўзаро муносабатлари асосий тамойиллари яна бир бор аниқ намоён этилди, демократик, фуқаро жамиятини барпо этишда меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти шимиз катта аҳамиятга эга.

Учрашувда касаб уюшмалари фаолиятининг бош йўналиши сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг беш тамойилидан бири — кучли ижтимоий сиёсатни юргизиш борасидаги ҳамкорликка катта эътибор берилганлиги маълум. Бу борада билдирилган қимматли фикр-мулоҳазалар Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгашининг қурултойга ҳисоботида кенг таърифлаб берилди, улар яқдиллик билан қабул қилинган касаб уюшмаларининг Низоми ва ҳаракат Дастурлари мазмунига чуқур сингиб кетди.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

## МАҚСАД АНИҚ — ЯНГИЧА ИШЛАШ

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистон шароитида, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир вазиятда республика касаб уюшмалари кенгашиларида бўлиб ўтаётган фаолиятларининг бош йўналишларини, янги давр талаблари асосида муҳим вазибаларни аниқ белгилаб олдилар. Эндиликда қурултой қабул қилган муҳим ҳужжатлар асосида ҳар бир касаб уюшма ташкилоти ўз ўрни ва мавқеини аниқлаши, ўз шароитига мувофиқ равишда қилинмоқда.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

Жиззах вилояти касаб уюшмалари кенгаши вилоят меҳнаткашларининг соғлигини муҳофаза этишга алоҳида эътибор бермоқда. Йил давомида касаб уюшмаларига қарашли профилактикаларда 5340 киши дам олиб, саломатликларини тиклайдилар. 2470 киши Зомин, Чортоқ, Чимен, Янгийўл, Ботаника каби санаторийларида даво топадилар.

Меҳнаткашларни соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш билан борлиқ харажатлар касаб уюшмалари ҳисобидан бўлади.

Алибой ЭРҒАШЕВ, “Ишонч” мухбири.

Фарғона вилоятида Ғалабанинг 50 йиллигини катта тантана билан байрам қилиш учун шаҳар, туманлар, ва барча меҳнат жамоаларида қизгин ҳозирлик кўрилоқда.

Уруш фахрийларига ғамхўрликни кучайтириш юзасидан Фарғона шаҳар корхоналари касаб уюшмалари ташаббус билан чиқди. Бу ташаббусни вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаб уюшмалари кенгаши раёсати маъқуллаб қарор қабул қилди.

Ҳозир вилоятда 2242 нафар 80-90 ешлардан ошган фахрийлар истиқомат қилади. Бу мўтабар кишиларни эъзозлаш, уларга қўшимча имтиёзлар яратиш мақсадида шу йил январдан олаётган пенсияларига қўшимча яна 20-30 фоздан берадиган бўлиши.

Бу хайрли ташаббусни биринчилардан бўлиб Фарғона нефтини қайта ишлаш бирлашмаси, вилоят газ бoшқармаси, сут, гўшт, нон комбинатлари бошлаб берган.

Шаҳар, туман ҳокимликлари касаб уюшмалари кенгашиларига инсонийлик руҳи билан йўрилган маъzur ташаббусни қўллаб-қувватлаш тоширилди.

С.МАХМУДОВА, “Ишонч” мухбири.





чексиз, чегарасиз эди. Бу вахшийлик кишиларда кўрқув ҳиссини кучайтирган, уларни муте қилиб қўйган эди. Шу боис ҳам ҳеч кимса уларга қарши бош кўтаришга журъат этолмасди.

Аммо Амир Темури ибн Тарогай баҳодир ҳақиқат ва адолатни ўрнатиш учун ўзида мардлик ва журъат топа олган, ўз эътиқодини тож билган комил инсон бўлиб камол топди. Соҳибқирон Олтин Ўрдага қарши матонатли курашди, разолат ва қабоҳатни ер билан яқсон қилди.

бўладики, у ўз ҳокимлиги билан янги династия (темурийлар династиясини) ва балким, кўпроқ турк маданияти деб аталиши мумкин бўлган Ўрта Осиё маданиятининг янги даврини бошлаб берди”, дея ҳикоя қилади.

Амир Темурининг қатъиятли иродаси, адолатпеша қалби, илм-маърифатга ташна вужуди борасида тарихчи Г. Вебер ўз фикрини қуйидагича изоҳлайди: “Темури душманларига ҳаддан ташқари золим, лекин саркарда, ҳоким ва қонунчи сифатида буюк талант эгаси эди. Ёлгонни емон кўрар, билимга муҳаббат

кўрсатилган эди, аммо ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Бугун ўзлигини англаётган халқимиз, бутун тараққийпарвар инсоният тарихини тўғри талқин этмоқда, улуг Амир Темурининг буюклиги ва улуглиги олдида таъзим этмоқда. Шу боис қалбимда бир гурури кечади...

Бу машриқзаминнинг туб халқлари қадим чинордай, дархатнинг бир илдизидан сув ичган халқдир. Бобомиз Амир Темури орзу қилган ҳур, эркин, адолат тантана қилган диёр Туркистон заминининг туркий қавмлари бирдорона борди-келдилари ила қулларига шуқуҳ киритмоқдалар. Мамлакатларимиз чегараларидаги расмийчиликлар чекланди, халқлар бир-бириникига бемалол бориб келадиган бўлди. Юртбошимиз Исломи Каримов: “Марказий Осиё худудида Ўзбекистон, Қозоғистон, ва Қирғизистон алоқалари дўстона ривож топмоқда. Ўтган давр мобайнида ғоят муҳим ва шуни ишонч билан таъкидлашимиз керак, — асосий ютуғимиз, бу — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасида товар, ишчи кучи ва капитал ҳаракати йўлидаги ғовлар олиб таъланганидир...” дея халқларнинг эркин борди-келдиларига юксак баҳо берди. Азал-азалдан она тили, дину имони, урф-одатлари муштарак бўлган қондош халқ ҳозирги куннинг ўзаро ҳурмат ва дўстлик, ердан ва қўллаб-қувватлаш сиёсатида янада камол топмоқда. Доно халқимизда шундай бир ҳикоят юради:

Донишманддан сўрашибди: — Нега дўстларнинг душманга айланиши осон-у, душманларнинг дўстга айланиши қийин?

У жавоб берибди: — Ахир уйнинг ҳам бузилиши осон, тикланиши қийин. Кўзанинг синиши осон, ясаши қийин...

Демоқчиманки, жаҳонгир Амир Темури ибн Тарогай баҳодир оромсиз тунлари ҳаққи, машаққатли куллари ҳаққи қудратли марказлашган давлат барпо этди, эзгулик уругини сочди, халқларни бирлаштирди, дўсту-биродарлаштирди. Соҳибқироннинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс бўлди. Эй мукаррам кўлам, разолат ва қабоҳатни қақшатиб буюк зафарлар кучан, заминда эзгулик уругини сочган давлат арбоби Амир Темури ибн Тарогай баҳодирдек инсонни дунёга келтирган саховатли фасл, табурук кунинг муборак бўлсин!

Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА.

# ЭЪТИҚОДИ ТОЖ ИНСОН

Бу кўхна заминда баҳор эпкинлари таралди яна. Оламни яшната-яшната, дилларда ҳушнудлик уйғота-уйғота, қалбларда сурур кўзгата-кўзгата. Бу еруғ жаҳон ҳар баҳорда ўзгача бир тароват касб этар... Ҳар баҳор ўз тақдорланмас кечмишлари ичра ўтиб бораверади, яна қайтавереди. Аммо ҳижрий 736 йили шаъбон ойининг 25 кунини (1336 йил, 8 апрель) — айни баҳор кезлари Амир Темури ибн Тарогай баҳодирдай оламгир инсон туғилиши ила тарихда салоҳият касб этган унутилмас кунга айланди...

XIII асрнинг осмонни қора булут қоплаган аянчли кунлари ўтарди. Мўғул босқинчиларининг оёғи этган ҳамма минтақаларда эзиш, талаш, ҳўрлаш сиёсати устивор эди. Чингачининг уруг-аймоқлари қарийб бир ярим асрдан буён Мовароуннахрнинг қонини зулукдек сўрар эди. Мўғул босқинчиларининг вахшийликлари ўқинч ва алам ёғилажак, мунгли кўз ёшлар юважак нақлларда оғиздан-оғизга ўтиб келди: эмиш-ким, Чингизхоннинг рақиб Жамухадан биров сўрабди: “Кўй подасини қувадиган бўрилар каби бизнинг одамларни қуваётганлар кимлар? Жамуха эса: — улар Темучиннинг одам бўшти бериб боқилган одамхўр 4 та ити: — Жабба, Кубила, Жалма ва Субутой эканлигини айтган экан...”

Бу янгли вахшийликлар кишиларда даҳшат кўзгатарди. “Кумдай кўп одамхўрларнинг” одамзод бошига солган қулфату вахшийлиги

34—35 ешида Мовароуннахр ҳукмдори деб тан олинган Соҳибқирон Ўрта Осиёда қудратли марказлашган давлат барпо этишнинг машаққатли сўқмоқларида инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди, деган ўз фалсафаси билан иш юритди. Буюк Бобомизнинг турмуш тарзи, унинг давлат арбоби, саркарда сифатидаги салоҳияти ҳаёт фалсафаси борасида кўплаб битиклар битилди, таърифи элларда дoston бўлди, тарихчи, солномачилар ўчмас сатрларда юришларини, туришларини эзиб қолдирдилар...

Солномачи Шарафиддин али Яздий Амир Темури хусусиятларини баён этар экан — ҳақиқат сихат-саломатлик, ҳақиқат — адолат демақлиги унинг эътиқоди эканлигини баён этган.

Таниқли тарихчи Аҳмад бин Муҳаммад бин Арабшоҳ эса қуйидагича ёзади:

“Темури ўлимни писанд қилмасди; қарийб 69 га қириб ўлаётган чоғида ҳам ақл-заковатини ҳам, доврақлигини ҳам йўқотмаган эди. У ёлгон-яшиқнинг душмани бўлиб, ҳазил унинг кўнглига ёқмасди, ўзининг олдида талон-тороғлик, қотиллик, хотин-қизларнинг номусига тегиш, зўрлаш ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у ҳақиқат қанчалик аччиқ ва қаттиқ бўлмасин, уни эшитишни яхши кўрарди”. Пешт университетининг шарқ тиллари ва адабиёти профессори Герман Вамбери “Бухоро тарихи” китобида “Темурининг Ўрта Осиё тарихидаги алоҳида ўрнини шундан ҳам билса

қўйишдан маҳрум эмас эди. Унинг манзилида шоирлар, олимлар, машҳоқлар ва мистиклар (сўфилар) кўп бўларди...”

Буюк бобомизнинг хатти-ҳаракатлари-ю, онги-шууригача бутун дунё фозилу-фузалоларининг кўз тикканича бор. Уларнинг ҳар иши ибрат.

Мўғуллар вайроналарга, кулхоналарга айлантирган ерларни обод этган Амир Темури иқтисоди равақ топган давлат барпо этди. Адабиёт ва санъатни, илм ва фанни тараққий эттиришга диққат қилди. Самарқандга сайқал бериб кўхна тарих турмуш тарзидан ҳайқал бўлиб келадиган, ҳали ҳанўз жаҳон аҳлини лол қолдирадиган мадрасаю, мақбаралар улуг бобомизнинг онги шууридан далолат, уларнинг раҳнамолиги ила қад ростлаган бу бинолар — қошоналар мозийнинг ўшал қайноқ ҳаётдан ҳикматлар ёғдирадигандай салобатлидир. Кейинчалик Мовароуннахр ва Хуросон тарихида Шохрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур сингари аллома темурийлар маданиятини равақ топтирдилар, соҳибқирон аъналарининг давомчилари бўлдилар...

Бу кўхна заминда баҳор эпкинлари яна таралмоқда. Ана шундай мунаввар кўлам кезлари, бобомизнинг таваллуд топган кунлари пойтахтдаги Амир Темури хие бонидаги Соҳибқирон ҳайқали пойнда кўнглимда шу янгли ўтмиш кечмишлари кечмоқда. Яқиндагина улуг инсон Амир Темурига ҳам таъна тошлари отилганди, тарих бўяб

## КўП ТУРЛИ МУЛКЧИЛИККА АСОСЛАНГАН ИШБИЛАРМОНЛИК

**АБДУҚОДИР ўғли АБДУСАДИР — ИҚТИСОД ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР.**

Ишбилармонлик режасида қуйидаги муҳим шартлар ўз ифодасини топиши керак:

1. Шугулланмоқчи бўлган ишнинг тури. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат, ўқитиш, юридик маслаҳатлар бериш, ишбилармонликка оид маслаҳатлар бериш, қурилиш ва ҳоказолар тушунилади.

Иш турини аниқлашда ишбилармон ўз билими ва тажрибасидан келиб чиқиб ўзига яқин бўлган ва қўлидан келадиган иш турини танласа яхши бўлади. Қўлидан келмайдиган иш билан шугулланиши мақсадга мувофиқ эмас.

2. Бажариладиган ишнинг ҳажми, қаерда қанча ва қандай нарҳда сотилади. Бўлажак сарф-харажатлар, маҳсулот ёки хизматни реализация қилишдан тушадиган маблаг солиқ тўловлари, хўжалик ҳисобидаги даромад, соф фойданинг миқдори, иш ҳаққи фонди, ходимларнинг миқдори.

3. Асбоб-ускуна, хом ашё, материаллар, ёқилги, энергиялар қаердан ва қанча нарҳларда олинади. Уларни мунтазам сотиб олиш учун узоқ муддатли шартномалар тузиш мумкинми?

4. Кадрларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш имкониятлари қандай?

5. Банкдан кредит олиш лозимми, йўқми? Агар кредит олиш керак бўлса — қанча ва қайси банкдан олинади? Кредит олиш шартлари. Бизнес план ҳар қандай ишбилармон учун бирор ишни бошлашга ва кейинчалик у ишни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Бизнес план тузишдан олдин кичкина маркетинг таҳлили ўтказиб, одамларнинг эҳтиёжлари ўрганилса яна ҳам яхши бўлади. Бу ҳақда алоҳида мақола берилади.

Умуман маркетингга оид ишлар билан мунтазам шугулланиш керак, чунки маркетинг маҳсулот ҳажминини, унинг нарҳини қачон ошириб, қачон тушуриш кераклигини билдиради.

Ундан ташқари маркетинг қачон бир маҳсулотни бошқаси билан алмаштириш, маҳсулотга тегишли реклама ишларини олиб бориш, рақобат масаласини ҳал қилиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатиб беради.

Бу ишлар ишбилармонликнинг бир томони. Унинг энг муҳим бошқа томони шуки, унда оила ўзининг ишлаб чиқариш муносабатларини аниқ ва узлуксиз ишлайдиган қилиб ташкил қилиши керак. Оила ишбилармончилигида ишлаб чиқариш

муносабатлари хом ашё: материаллар, электр-энергия, газ, ёқилги машина, ускуна, асбоблар, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар етказиб берувчилар ва маҳсулотни кўтара олувчилар, дўкдорлар билан ўрнатилади.

Оила ўзига юқорида қайд қилинган ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчилар билан ўз ишлаб чиқариш муносабатларини шартнома асосида олиб бориши керак. Бунда энг муҳими шартнома шартларини аниқ қилиб кўрсатиш ва улар бузилса қўлланиладиган жазо чораларининг турлари ва миқдорини ақс этдириш даркор.

Шартномада кўрсатилган товарларнинг ёки хизматларнинг номи миқдори ва вақти аниқ қилиб кўрсатилиши керак. Шартлар бузилганда олинадиган жарима кўрилган моддий ва маънавий зарарни тўла қоплаши керак.

Ўз навбатида ишбилармонлик билан шугулланадиган оила аъзолари ҳам шартнома шартларини бажаришга қатъиян рияз қилишлари керак.

Оилавий ишбилармонликнинг самарасини ошириш устида узлуксиз ўйлаш ва керакли чора-тадбирларни ўз вақтида кўриб

# ОИЛА БЮДЖЕТИ: ДАРОМАД ВА БУРОМАД

(ЕТТИНЧИ ДАРС)

бориш ҳам муҳим ишлардан ҳисобланади. Бунинг учун оила кенг миқёсда илгор технология, ишлаб чиқариш воситаларини қўллаши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишни узлуксиз такомиллаштириб бориши: маълум бир иш турига ёки маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат турига ихтисослашиши, пул ҳаракатини тезлатиши.

Корхона ташкил бўлганидан кейин ана шу масалаларга доимо эътибор бериб бориш керак. Иш юришиб муқобил даромад олишига эришилганидан кейин чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат турини кўпайтириб бориш мумкин. Оила ўз маблагини тикиб, ташкил қилган корхонасини ўзи бошқаради ва барча жавобгарлик оиланинг бўйида бўлади. Шунинг учун оилавий ишбилармонликдан келадиган даромад корхонани бошқаришга ҳам бевосита боғлиқ. Бу ҳақда алоҳида мақола берилади.

Ишбилармонликка тегишли яна бир қанча масалалар бор. Булар жумласига ходимларни ёллаш, уларга маош белгилаш,

## «Ишонч»нинг иқтисодий дарсхонаси

иш ҳақи фондини ташкил қилиш, ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳал қилиш, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифатини таъминлаш, банк билан бўладиган муаммолар ва бошқалар.

Хуллас, оилавий ишбилармонлик бир томондан фахрли, иккинчи томондан чуқур билим, тажриба талаб қиладиган, мураккаб, кўп қиррали иш.

Ушбу мақолани ўқиган ҳар бир ўқувчида шундай савол туғиладики, кўп оила бирор ишбилармонлик корхонасини очиб иш бошлаш учун қанча бирламчи капитал керак?

Аввало бирламчи капиталнинг миқдори шугулланилмоқчи бўлган ишнинг тури ва унинг кўламига боғлиқ.

Масалан, АҚШда бирор оила автомобилларга техник хизмати кўрсатиш билан шугулланмоқчи бўлса ва бу ишни шундай хизмат кўрсатадиган корхонани ижарага олиб шугулланса 5 минг долларга тушар экан. Лекин ўзи автомобилларга техник қаров корхонасини сотиб олиб, ёки қуриб шугулланса энг ками 80 минг долларга тушар экан.

Кўпчилик катта иш эгаларининг ишбилармонлик фаолиятини таҳлил қилсак шу нарса маълумки, улар ишни кичкина миқёсдан бошлаб, кейинчалик ривожлантириб катта миқёсга етказганлар.

Масалан, Генри Форд ўз ишини бир ойда бир дона автомобиль ишлаб чиқаришдан бошлаган. Бир йилдан кейин яъни 1903 йили у “Форд мотор” акционерлик компаниясини ташкил қилган ва 17 йилдан кейин (1920 йили) бир йилда 1 миллион 250 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш даражасига етган. Ҳозирда “Форд мотор” компанияси дуненинг энг йирик автомобиль компанияларидан бўлиб, бир йилда 2,5—2,8 млн. дона автомобиль ишлаб чиқаради. Бир йиллик соф даромади 15 млрд. долларни ташкил қилади. Бу компания ўз хизматчиларига жуда катта миқдорда ижтимоий ҳимоя хизматларини кўрсатади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда оила ишбилармонлик ишини ҳар қандай сармоядан бошлаши мумкин.

Ҳозирги куннинг ишбилармонлик тажрибаси шуни кўрсатаётганики, 1000 сўм тижорат ишига тикланган маблаг бир ойда бир марта айланиб, энг камида 20-30 фоиз даромаднинг ўзи билан олиб келяпти. Бу дегани бир ойда ўрта ҳисобда 250 сўм соф даромад дегани, бир йилда 3000 сўм соф фойда олинади. Мисолдан кўриниб турибдики бошланғич капитал йил бошида 1000 сўм эди, йил охирига келиб 3000 сўмга айланди.

Ҳаётда, албатта соф даромад миқдори биз келтирган мисолдагидан кўпроқ ҳам, камроқ ҳам бўлиши мумкин. Бугеи ишбилармонга боғлиқ. Биз кейинги мақолаларимизда оила даромадининг ишбилармончилик орқали ошириш йўл-йўриқларига бағишлаймиз.

## Касаба уюшмалари фахрийлари ҳақида ҳикоялар

### ДОИМО БИР САФДА

Топкент политехника институтининг энергетика факультетини аъло баҳолар билан битирган Саломат Муҳаммаджонова электр таъмирлаш заводидан муҳандис бўлиб ишлаб боради. Ундаги ташкилотчилик қобилиятини сезган туман раҳбарлари 1954 йилдан бош муҳандислик, 1962 йилдан эса директорлик лавозимини ишониб топширишади. У маҳаллар корхонада нари борса 170 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қиларди, холос. Кўп ишлар қўлда бажариладди. Саломат опа ишни корхона ҳудудини кенгайтиришдан бошлайди. Корхонанинг ҳозирги 4 қаватли биноси ҳам ўша йиллар қурилиб, ишчи-хизматчилар сони эса 900 кишига етганди.

Удабурро, яхши ташкилотчи Саломат Усмонова Ҳамза тумани партия қўмитасида котиба вазифасида ишлаб, 1972 йилдан эса бор куч-ғайратини касаба уюшмалари билан боғлади. Уни Топкент вилоят касаба уюшмалари кенгашига котиб этиб сайладилар.

— Ўша пайтлар ҳам касаба уюшмаларига халқ ҳозиргидек ишонарди. Меҳнат муҳофазаси дейсизми, уй-жой тақсими, пенсия ва бошқа турли соҳалар бўйича иш юртарди. Бир воқеа ҳамон эсимда. Бекобод металлургия комбинатининг бир гуруҳ ишчиларидан шикоят тушади. Ишчилар ётоқхонасида 2-3 фарзандли оилалар истиқомат қилишар экан. Жуда қийналиб кетишди. Шикоят атрофлича текширилди, кейин масала Бекобод шаҳар партия қўмитаси бюросига қўйилди. Шундан сўнг барча оилалар рўйхатга олиниб, алоҳида-алоҳида уй-жой берилди. Ётоқхона эса яхши таъмирланиб, сўққабош кишиларгина яшайдиган бўлишди. Янги уй олган оилалар мени кетма-кет ҳовли тўйларига таклиф этишани эшитган эди.

Қаердаки меҳнатқашлар манфаати учун қайғуриш ва фаолилик бўлса, ўша ерда иш ҳам унумли бўлиши табиийдир. Саломат Усмонова касаба уюшмаларида ишлаган йиллари ким қандай илтимос, таклиф билан келмасин, бажонидил қулоқ тутади, жонига оро қилишга уринади. Ҳеч ким ҳеч қачон “бугун қабул куним эмас”, деган гапни эшитишмаган. Айниқса, қариқаранглар пенсия, уй-жой еки бошқа масалалар билан муражбат қилишса, албатта уларнинг оғирини енгил қилиб, дуоли ҳаракатига тушарди.

Айни пайтда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳам бугунги куннинг долзарб вазифасига кириди. Бунинг учун касаба уюшма ходимлари доимо меҳнатқашлар билан бирга бўлишлари, бошланғич ташкилотлар раислари эса фаоликлари кундан-кун оширишлари лозим. Улар қанчалик яхши ишласа, касаба уюшмаларининг обрўси шунчалик ошверади.

Саломат Муҳаммаджонова айни пайтда қарилик гаштини сурмоқдалар, 3 ўғил, 1 қиз ҳамда 8 набиранинг меҳрибон онажони, бувижониси ҳамдирлар. Шунинг учун уларни Республика касаба уюшмаларининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан табриклаб, соғ-саломат бўлиш, ҳамisha сафимиздасиз, дегимиз келади.

Неъмат РАФИҚОВ.

## Иқтисодиёт янгиликлари

### Янги ишчи ўринлари

Элликқалъа туманида ўтган йили анчагина янги ишчи ўринлари очилди. Туркиянинг “Язекс” корпорацияси билан ҳамкорликда “Элтекс” корхонаси ишга туширилди. Унда бирданга 2 минг киши учун ишчи ўрни очилди. Кичик ва хусусий корхоналар ҳам ўтган йили олдинги йилга нисбатан 2 баравар кўпроқ ташкил этилди. 1000 киши даволанадиган санаторий мажмуи қуриляпти. Туман ҳокимлиги касаба уюшма ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш ўринларини кўпайтириш ва улардан унумли фойдаланиш, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни кучли ижтимоий ҳимоялашнинг янги усуллари изламоқда.

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРИБ

Тўртқул туманидаги “Шўраҳон” жамоа ҳўжалиги раиси Азимбой Абдукаримов Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг қурултойида қатнашиш шарафига муяссар бўлган. Бу бежиз эмас. Ҳўжаликда меҳнатқашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида яхши тажриба тўпланган. Жамоа ҳўжалигининг раиси ташаббуси билан ҳар бир деҳқон оиласининг моддий аҳволини мустақамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Ночор, якка-ёлғиз яшайдиганларга ҳўжалик ҳисобидан ёрдам берилаяпти. Наврўз байрами арафасида ҳўжалик жамғармасидан шундай оилаларга пул, гурунч, сабзавот, гўшт, маҳсулотлари моддий ёрдам сифатида тарқатилди.

### МУЛҚДОР ДЕҲҚОНЛАР

Иқтисодиётимизда юз бераётган янгиликлар деҳқонлар ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар ясамоқда. Жамоа ҳўжаликларининг бошқарув ҳайъатлари ернинг тилини билладиган, ишбилармон, ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган кишиларга катта қулайликлар яратиб бермоқда. Жумладан, Янгиқўрғон туманидаги “Кўкёр” жамоа ҳўжалигида ер сотиб олиш юзасидан берилган аризалар қараб чиқилди. Ҳозирча жамоа аъзоларидан Қосимжон Алиматовга 2,5 гектар, Абдураҳмон Эргашевга 3,5 гектар ер майдонлари сотилди. Улар кўчмас мулк баҳосининг 10 фоизини ўз ёнларидан жамоа кассасига нақд тўлашди. Қолган фоизини эса ўн йил мобайнида узадиган бўлишди.

“Ишонч” мухбирлари.

Наманган бош бекатида узоқ вилоятда яшайдиган танишимни учратиб қолдим. Юқорида номи тилга олинган сиҳатгоҳда ҳордиқ чиқариб қайтаётган экан. Таассуротларини суриштирдим.

— Муолажасидан нолишга ўрин йўқ, ходимларининг муомаласиям ёмон эмас, — деди танишим. — Лекин бир нарсдан кўнглим хира тортиди. Олдинги сафар келганимда чинакамга оромгоҳмисан оромгоҳ эди, қайтганимдан сўнг бошқаларгаям мақтанганман. Ҳозир ётоқхоналарда, муолажа тармоқларидан чиқиб сайр қиладиган жойлар сочи қирқилган бошдек яйдоқланиб қопти.

Сиҳатгоҳга дарвозадан киришингиз ҳамон ўзгариш кўзга таъланади. Ётоқхоналар, муолажа бинолари, аввалги оромбахш йўлкалар қуёш заирмасида қовриляпти. Соат ўн бир бўлмасидан дам олувчилар билан ҳамisha гавжум бўладиган маскан ҳувиллаган. Танаси кесиб олинган тўнкалар, сўппайиб турган майдонлар эгаси кўчиб кетган ҳовлини эслатади.

— Бир, икки, уч... йигирма... ўттиз... эллик... олтинч, — кесилган чинорлар ўрнини санашга тушдим.

— Нимага овора бўляпсиз, ҳисоблаб, — кулди менинг ҳаракатимни кузатаётган ва исми шарифини айтишни истамаган шифокорлардан бири. — Юз туздан кўп чинор “тинчтилган”.

Ажабо, кимнинг қўли бор бунчалик шафқатсизликда? Сиҳатгоҳ раҳбарларига шу хусусда қандай идора буйруқ берди-ю, қайси бир ташкилот рухсат этди? Бу саволга жавоб топиш учун бош ҳақим Миркомил Раимовга учрашишга қарор қилдим.

— Эрталаб қишлоқ фуқаролар Кенгашига кетган, — жавоб қайтарди котиба.

Ҳар қанча суриштирсак ҳам у ердан Раимовни топишнинг иложи бўлмади. Бош ҳақимни кутиш жараёнида вақтдан фойдаланиб ҳордиқ чиқараётганлардан айримлари билан суҳбатлашдим.

— Абдуғофир Икромов — меҳнат фахрийси, Наманган шаҳридан: бу ерга 7-8 марта келдим. Эҳтимол, сиҳатгоҳ раҳбарлари бирон мўлжалда шундай қилишгандир. Барибир, дарахтларни бир четдан қийратиб чиқиш шарт эмас эди. Оралатиб кесилса ҳам бўларди, йўлкалар, майдонлар шунчалик яйдоқланиб қолмасди. Олдинги гал келганларимга сира ўхшата олмаяпман.

— Муҳаббат Рўзиматова — шу тумандаги “Шарқ юлдузи” жамоа ҳўжалиги аъзоси: шароитдан нолимаймиз-у, бироқ ҳамма еқ бўстон бўлиб, соя-салқинда ҳордиқ чиқарганга нима етсин!

— Саиджон Хўжаев — Фарғона вилоятидаги Сўх туманидан: кўп сиҳатгоҳларга борганман. Сиҳатгоҳ — оромгоҳ ўз номи билан хушманзара, кўнгилга ором бағишлайдиган бўлиши керак. Энди тезроқ бу ерни кўкартириш чорасини кўрмоқ даркор.

— Мен олисдан келган одамман, исми-шарифимни езмай қўя қолинг, — деди Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги “Истара” жамоа ҳўжалигида бригада бошлиғи бўлган меҳмон. — Сиҳатгоҳни ҳақиқий бог-бўстон, деб эшитгандим. Нима дейишгаям ҳайронман, ҳозир...

Бизни бир маълумот ҳайратга солди. “Шаҳанд” республикамиздаги йўлланма топиш мушкул сиҳатгоҳлар қаторига кирарди. Бош ҳақим ўринбосари Муҳаммадали Худойқуловнинг гувоҳлик беришича, ўтган йилнинг шу палласида 200 дан зиёд киши ҳордиқ чиқарган оромгоҳда шу йилнинг март ойида таширф буюр-



Меҳнатобод туманининг “Меҳнатобод” ширкатлар уюшмаси мамлакатимиз ғалла мустақиллигига муносиб ҳисса қўйиш учун 986 гектар майдонга ҳосилдор ғалла навлари экишганди. Ҳозирги вақтда бугдойзорлар икки марта озиклантирилди. Шунинг учун ўсимлик кўрган кишининг ҳаваси келадиган даражада яхши ривожланмоқда. Ширкатлар уюшмасида ҳар гектар майдондан 25 центнердан сара дон олинади.

Уюшма фермери Носир Маҳмудов эса 35 гектар майдондаги ғаллазорининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштироқчи.

Суратда: (чапдан) бош ҳосилот Раҳмат Примқулов, (ўртада) ширкатлар уюшмаси раиси Раҳимберди Аҳмедов, фермер Носир Маҳмудовлар бугдойзорларни кўздан кечириб, навбатдаги парварниш ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

ганлар сони 90 нафарга етиб-етмади холос. Яқин-атрофлардан келувчилар ҳам камайди. Бунга бўлмасга юқоридаги сингари “кашфиётчилик” лар сабаб эмасмикин?

Чинор кесилишнинг пала-партиш амалга оширилганлиги, “ким кесиб олса ярми ўзига” дейилганлиги бошқа салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. 250-300 газ узунликдаги нақш туширилган бетон плиталар қопланган йўлкаларга жиддий зарар етди. Қолаверса, ҳар қарич ёғоч ва ёғочсозлик маҳсулотлари анқонинг уруғига айланган, нархи осмонга сапчиган бутунги кунда кесилган дарахт таналари ҳисоб-китобига унчалик эътибор берилмаганлиги юзасидан ҳам турли “миш-миш”лар пайдо бўляпти.

Сал кун ўтгач, сиҳатгоҳда юз берган гайри-табиий ҳодиса сабабини чуқурроқ таҳлил қилиш учун Тўрақўрғон туман ҳокимлигига кирдим.

— Менинг бу воқеадан мутлақо хабарим йўқ, — деди ажабланиб ҳокимнинг биринчи ўринбосари Одилхон Хўжаев ва шу заҳоти тумандаги тегишли идоралар вакилларини чақирди.

— “ЭКОСАН” ташкилоти туман бўлимининг котиби Раҳимжон Давликанов, табиатни муҳофаза қилиш туман ташкилотининг бошлиғи Сайфиддин Рухиддинов ва ташкилот назоратчиси Рустамжон Эргашевлар билан сиҳатгоҳда бўлдик.

Чинор барги тўкила бериб безор қилди. Ҳар ойда 4-5 тадан супурги исроф бўляпти, — шикоят қилди шифохона бош ҳақими Миркомил Раимов, — бу дарахтни саломатлик учун зарар деб ҳам эшитдим. Шунинг учун махсус йиғилиш чақириб, уларни кесиб масаласини кўриб чиқдим ва ҳужжатлаштириб қўйдик. Кесилганлари ўрнига каштан ва бошқа дарахт кўчатлари ўтказдик. Қизиққан одам келиб кўраверсин.

Масалани ўрганиш жараёнида иштирок этганлар шундай хулосага келишди, — бош ҳақим чинор кечини тегишли ташкилотлар билан маслаҳатлашмасдан катта хатога йўл қўйган. Бу турдаги ноёб дарахт неча йилда пайдо бўлишини, бу иш оқибатларини унутган. Фақат супурги сарфини ўйлаб қанчадан-қанча чинорга болта урилишига йўл қўйган М. Раимовнинг жавоби бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдириш эмасми? Бундан ташқари чинор кесилиш қайсидир раҳбар билан маслаҳатлашганини айтди. Аммо расмий розилик қозонини кўрсата олмади.

Айтишларича, 1979 йилда худди шу чинорлар шарофати, юзага келтирган такрорланмас манзараси туфайли ушбу масканда сиҳатгоҳ ташкил этилганидан бери уни бошқарган, бог-бўстонга айлантирган, саккиз ойгина муқаддам кексалик нафақасига кузатишган Ривожиддин ака Мадаминов янгиликдан хабар топгач, пешонасини чангаллаганча ўтириб қолти. Ахир, уларни шу ҳолатга етказгунча озмунча жафо чекканми! Кимдир экади, кимдир кесади, деганлари шу экан-да!

Афтидан бош ҳақим ҳар туп чинор табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳисобида туришини, унинг шоҳини буташ учун ҳам рухсат кераклигини, акс ҳолда катта жарималар кутишини билмайди, шекилли?

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, “Ишонч” мухбири.

# БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

ёки Тўрақўрғон туманидаги “Шаҳанд” сиҳатгоҳида чинорларнинг қандай қийратилгани хусусида

Онажоним табиат

Учинчи минг йиллик яқинлашгани сайин биз яшаб турган дунё таниб бўлмас даражада ўзгарди, бизнинг атроф-муҳит ҳақидаги билим ва тушунчаларимиз ҳам анча ўсди. Бу ўзгаришлар айниқса Марказий Осиё минтақасида яққол сезилиб турибди.

Марказий Осиё минтақасида инсон ва унинг яшаш муҳити муаммосига бир томонлама технократик равишда ёндошиш мураккаб ижтимоий-экологик муаммоларнинг вужудга келишига олиб келди.

Мустиқил ривожланиш йўлига қадам қўйган Марказий Осиё мамлакатлари ҳали ҳам минтақадаги бир томонлама, антиэкологик сиёсатнинг салбий оқибатларидан азият чекамолдалар. Йиллар мобайнида йиғилиб қолган экологик муаммолар эндиликда иқтисодий ислохотларни амалга

Марказий Осиёнинг экологик ҳавфсизлиги тизимида "ЭКОСАН" экология ва саломатлик Халқаро жамғармаси фаол иштирок этипти. Узининг икки йиллик фаолияти давомида, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот сифатида "ЭКОСАН" ижтимоий-экологик ва гуманитар йўналишидаги оммавий ташкилотга айланди.

Бугунги кунда жамғарманинг бўлимлари жойларда ҳокимиятлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда, шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатмоқда; унинг корхона ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари аҳолининг барча қатламлари куч-ғайратларини Ўзбекистон Республикасининг энг долзарб ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этишга



қўллаб-қувватлаши асосида "ЭКОСАН" жамғармаси 1994 йил 1 июндан 10 июнгача Ўзбекистонда экология ва саломатлик ўн кунлигини ўтказди, аҳоли яшайдиган жойларни ободонлаштириш ва санитария жиҳатидан тозалаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди.

Аҳоли саломатлиги ва экологиянинг долзарб муаммолари бўйича ўтган йилнинг июнь ойида Финляндия пойтахти Хельсинкида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 50 та мамлакатидан вакиллар қатнашди. Конференцияда "Экология ва саломатлик икки йиллиги" давлат дастурини амалга ошириш жараёнида республикамизда тўпланган тажриба катта қизиқиш билан кутиб олинди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг конференциядаги маърузасида, аҳоли соғлиғи ва атроф-муҳит муаммолари бўйича конференция қабул қилган декларацияда бизнинг минтақамизга алоҳида эътибор берилганлиги диққатга сазовор бўлди. Бунга маълум даражада Президентимиз И. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ва Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Будапештдаги учрашувида сўзлаган нутқи таъсир қилди.

Ушбу конференцияда "ЭКОСАН" жамғармасининг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича Марказий Осиё комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифи ижобий баҳоланиб шу тўғрида қарор қабул қилинди. Бу комиссия фаолияти жаҳон саломатлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар маблағ билан таъминлаб турадиган бўлди.

Конференцияда шунингдек, яқинда таниқли Рим олимлари клуби шаклида ташкил этилган Тошкентнинг "ЭКОСАН" клуби ва турли мамлакатларнинг олимлари кучи билан, жумладан, Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари, Марказий Осиё минтақаси экосистемасини ривожлантиришнинг илмий асосланган истиқбол режаларини тайёрлаш бўйича ўтказиладиган ҳамкорликдаги тадқиқотлари тўғрисида келишиб олинди.

Албатта, минтақада атроф-муҳитни соғломлаштириш, бу ерларда рўй бераётган жараёнларнинг салбий оқибатлари олдини олиш жуда катта куч ва маблағларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам бор имкониятларни ижтимоий-экологик йўналишдаги муаммоларни ҳал этишга қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кун ҳаракатлари энг аввало шу мақсадга қаратилган.

Юсуф ШОДИМЕТОВ, профессор, "ЭКОСАН" халқаро жамғармасининг президенти.

Марказий Осиё: ЭКОЛОГИК ҲАМКОРЛИК

оширишга ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Шу билан бирга фақат иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал эта бориш билангина минтақада экологик ҳолатни яхшилашга эришиш мумкин. Минтақа ижтимоий-экологик тизимларининг туб моҳияти фақат ҳукуматлар олдидагина эмас, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар олдида ҳам алоҳида вазифалар қўйишда намоён бўлади. Бу вазифалар энг аввало, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган экологик-иқтисодий сиёсатни юргизиш заруратини эътироф этишдан иборатдир.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Будапештдаги учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик танг аҳвол тўғрисида ҳалқон ва тавиш билан айтган гапларга тўла қўшилиамиз. Айни пайтда унинг экологик муаммолар, шунингдек, қуриб бораётган Орол тақдирига катта обрўга эга бўлган Халқаро ташкилотнинг эътиборини кучайтириш бўйича давлатини қўллаб-қувватлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, бутун Евросиё минтақасида атроф-муҳит мувозанати жиҳидий пунтур этган ҳозирги шароит бошдан кечирилаётган тангликни енгиш бўйича аниқ, қатъий чоралар қўрилишини талаб қилмоқда.

Маълумки, 1993 йилнинг мартида Қизил-Урда шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда Марказий Осиё бешта давлатлари раҳбарлари "Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал қилиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш бўйича биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома"ни имзолашган, Орол денгиз ҳавзаси муаммолари бўйича Давлатлараро кенгашни тузган эдилар.

қаратяптилар.

Бир қатор хорижий мамлакатларда, шунингдек, МДХ давлатларида "ЭКОСАН" жамғармасининг ваколатхона ва бўлимлари ишлаб турибди. Улар белгиланган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун давлат ва жамоат тизимлари, халқаро ташкилотлар ва айрим фуқаролар кучларини бирлаштириш бўйича иш олиб бормоқдалар. Кейинги пайтларнинг ўзидагина жамғарма инсонпарварлик ёрдами сифатида Ўзбекистонга умумий ҳажми 3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган дори-дармон, ускуналар, болалар озуқалари олиб келди. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг экологик оғир аҳволдаги ҳудудлари аҳолисига ёрдам бўйича жамғарма бир қатор тадбирларни амалга оширди.

1994 йил март ойида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иштирокида "ЭКОСАН" фонди Қирғизистон Республикасининг экологик танг аҳволдаги ҳудудларига экспедиция уюштирди. Шунга ўхшаш мажмуий экспедиция Оролбўйидаги экологик аҳволни ўрганиш бўйича уюштирилади, унинг иш якунлари бўйича махсус таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

"ЭКОСАН" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси ва Орол минтақасида жойлашган Марказий Осиё давлатларининг энг долзарб ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этишга қаратилган қатор лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида жамғарма таркибиде қатор бирлашмалар, қўшма корхоналар, дорихона-дўконлар ташкил этилган ва улар ишлаб турибди. Маънавий чиқиндиларни қайта ишлаш, ичимлик сувини шиша идишларга жойлаш, экологик жиҳатдан тоза яхна ичимликларни ишлаб чиқариш бўйича заводларни лойиҳалаштириш ва қуриш масалалари ҳал этилиш арафасида.

Ҳукуматнинг маъқуллаши ва

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида касалликларнинг деярли 80 фонзи сув, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан эканлиги таъкидланмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш, эъозлаш туйғуларини шакллантириш мактаб каби тарбия муассасаларининг энимасига катта масъулият юклайди.

Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси Шаҳрихон Мирзааҳмедова яқинда Бўка тумани халқ таълимининг мудири Тоҳир Габидуллин ва етакчи мутахассиси Маликаҳон Муродовалар билан ҳамкорликда 3-мактабда "Бошланғич синфларда табиатшунослик ва экологик тарбия" мавзусида назарий-амалий семинар кенгаш ўтказдилар. Анжуманда вилоят туманларининг 25 мактаби вакиллари қатнашдилар. Кенгашда Тошкент вилояти малака ошириш институтининг

Бошланғич таълим услубиёти кафедраси мудири М.Р.Худойберганова табиатни севиш, ардоқлаш борасида янбатли фикрларни баён этди. Ш.Мирзааҳмедова эса "Бошланғич синфларда табиатшунослик дарслари ва экологик тарбия", Бўка тумани 7-мактабининг олий тоифали ўқитувчиси Д.Темиров "Экологик таълим ва тарбия" мавзусида маъруза қилдилар. Мунозарали савол жавобларда ўқувчиларнинг табиятга муҳаббат билан қараётганликларини намоён бўлди.

Шунингдек, мактабда ноанъанавий дарс турлари ўтказилди. Чунончи: "Тажриба", "Саёҳат", "Мусобақа" каби машғулотлар ўқувчиларда табиятга меҳрин ошириб, қандай ардоқлаш кераклигини ҳам ўргатиш билан қимматли бўлди.

Табиатни севиш бу ўз гўшасини ардоқлаш демакдир. Зеро, яхшидан боғ қолади.

Назира ҲАСАНОВА.

ОРОЛ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Кейинги бир неча ўн йиллар мобайнида Марказий Осиё республикаларида сугориладиган деҳқончиликни экстенсив ривожлантириш туфайли Орол денгизининг ҳажми 3 мартадан кўпроқ, яъни 1000 дан 300 куб километргача (миллиардлаб кубометрга) камайиб кетди. Сувнинг минералланиш даражаси тегишли равишда 10 дан ортқ 37—40 г. л. гача ортиб, ҳатто дунё уммининг шўрланиш даражасидан ҳам ортиб кетди. Денгиз қирқларининг чекинishi, дарё дельталари ва қўлларнинг қуриши натижасида миллионлаб тонна қумлар шомол жараёнлари туфайли воҳа ички қисмига бир неча юз километрга кириб бормоқда. Ҳозирги вақтда 2 млн. гектар ҳайдаладиган ерлар қўлга айланди. Яйловлар, тўқайзорлар, дарё қирқларидан ўтлоқлар қисқариб бормоқда. Орол денгизининг сатҳи 15 метрдан кўпроқ пасайиб кетди. Бу жараён ҳали ҳам тўхтагани йўқ.

Денгизда саноат мақсадида балиқ овлашининг тўхтаганига 5 йилдан кўпроқ бўлди. Денгизнинг фавқуллода кучли минералланиши натижасида, унда яшайдиган чўртан балиқлар, сулаймон ва зогора балиқлар, шу жумладан дунёга донги кетган орол мўйловли балиғи йўқ бўлиб кетди. Денгиз сувининг шўрланиш даражаси ортиб борапти. Албатта, бу хавфли жараён-

ТАНГЛИКДАН ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБ ЧОРАЛАРИ


ларни тўхтатиш, Оролни асраб қолиш бўйича таъсирчан чоралар изланмоқда. Фақат бизнинг минтақамизгина эмас, дунё миқёсида катта хавф солаётган Орол бўйи экологик вазиятини соғломлаштириш масаласига жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб этишга уринишмоқда.

Оролни қутқариш бўйича кўпгина таклифлар юзага келди. Бироқ, уларнинг орасида амалда муаммони ҳал эта оладиган лойиҳалар ҳозирча йўқ ҳисоби. Бундай шароитларда ҳозирги реал воқеликни ҳисобга олиб, бажариш мумкин бўлмаган вазифаларни олдимизга қўймай, балки бу оғир шароитдан тезроқ чиқиб кетиш йўллари кидириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги денгизни дастлабки ҳолатига қайтаришнинг иложи йўқ экан, унинг маълум қисмини тиклашга ҳаракат қилиш керак. Бу кутилмаган го я эмас. Сирдарёнинг сувини тўсиш ҳисобига Оролнинг шимолий қисмидаги Саричанок (кичик денгиз)ни тиклаш ва Аральск шаҳри атрофидаги сувларни чўчуқлаштириш мумкин. Денгизнинг эски акваториясининг бир қисми билан Амударёнинг дельтасини тўғон билан тўсиб уни қайта тиклаш тўғрисида ҳам лойиҳалар мавжуд.

Чекнаётган денгизнинг ўзи ҳам қизиқарли лойиҳаларни яратишни тақозо қилмоқда. Денгиз аста-секинлик билан икки қисмга яъни чўқур гарбий ҳамда катта ва саёз шарқий бўлақларга ажралиб кетиши кузатишмоқда. Яқин икки йил ичида шимолдан жанубга томон чўзилиб кетган Возрождение ороли ва бошқа янги ҳосил бўлган ороллар биргаликда ярим-оролни ҳосил тиклаш. Бугунги кунда саёз жойларга унча катта бўлмаган тўғонлар қуриш билан бу жараённи тезлатиш ҳам мумкин. Агар Оролни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, вақт ўтиши билан ўрнида шимолдан жанубга қараб чўзилиб кетган шўр сув билан тўлган гарбий чўқур тирқиш (ёриқ) ва шарқий саёз қисмдаги сув буғланиб, унинг ўрнида катта туз-қум чўли пайдо бўлади.

Бугунги кунда 8 кубкилометрга яқин сувга эга бўлган Амударёни Оролнинг гарбий қисмига дарё дельтасининг четки чап (гарбий) қирғоқлари бўйлаб йўналтирадиган бўлсак, вазият бирмунча ўзгача, яъни осон кўчиши мумкин. (Бунда яна сувларни буришти, деган фикр тўғилмаслиги керак, чунки гап ўзимизнинг минтақадаги сув ресурслари тўғрисида бормоқда. Бу амалга ошиши мумкин бўлган масаладир). Юқорида ҳисобга олинган 2 кубкилометрга тенг бўлган сизот сувларни қўшсак жами 10 кубкилометрлик сувга эга бўламиз. Ушбу чўчук сувлар аста-секин аралашиб, тор шимолий сув оқими орқали шўр сувларни денгизнинг шарқий қисмига сиқиб чиқариб юбориши мумкин.

Табиий сув йўлларидан ташқари, ҳозирда мавжуд бўлган бир қатор зовурлардан масалан, Судочье кўлидаги ва қолаверса Мўйноқ сув омборидаги зовур сувларидан фойдаланиш лозим. Шу билан бирга биологик ва бир вақтнинг ўзида биологик тозаланиш босқичини ўтадиган кам шўрланган зовур сувлари билан Ажжибой кўлининг эски тубларидаги фитомелиоратив ишлар ҳам амалга оширилади.



Бу лойиҳа келажакда катта текис буғлатувчи ҳавза бўлиб қоладиган денгизнинг шарқий қисмини сақлаб қолишга мўлжалланмаган. Аммо, лойиҳадан келиб чиқадиган асосий ютуқ гарбий денгиз сақланибгина қолмай, балки қайта тикланиб, ҳосил бўлган чўчук сув ҳавзасини Оролнинг бошланғич экосистемаси сифатида яна жонлантириши мумкин. Бу Орол умумий ҳажмининг 36 фонзини ташкил этади.

Денгизнинг дастлабки рихтифаунасига мақбул келадиган гидрогеологик шароитни тиклаш учун сувнинг шўрланиш даражасини 18 г. л. гача камайитириш зарур. Бу эса очик денгизда ҳар хил турларга мансуб бўлган катта ёшдаги балиқларни боқишга етарли имкон яратади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича мавжуд бўлган 10 кубкилометрлик сув денгизнинг гарбий қисмининг 10 йил давомида 18 г. л. гача чўчуқлаштириб туриши мумкин экан. Бироқ, биринчи йилдан бошлаб

ҳар хил зичликка эга бўлган сув қатламлари (страфикацион қатлам) кутилгандан ҳам тезроқ шимолий йўналишга қараб ҳаракат қилиб, нисбатан чўқур оқим орқали кучли минераллашган сувни сиқиб чиқара бошлайди. Кейинчалик зарур меъёردа шўрланиш даражасини сувнинг равишда сақлаш билан шароитни қулай ҳолга келтириш мумкин.

Б. ТОШМУҲАМЕДОВ, академик, А. КРУТОВ, техника факалари номзоди, Б. КОМИЛОВ, биология факалари номзоди. Саҳифа материалларини "Ишонч" мухбири Саидазим Шарофзонов тайёрлаган.

## 'БИЗНЕС-ПРЕСС' ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қўмаклашувчи жамғармаси Ўзбекистон Республикаси президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш" тўғрисидаги Фармони ҳаётга тадбиқ этиш, Фармонни ҳар томонлама кенгроқ ериштириш ҳамда тушунтириб бериш, Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, унга сергайрат, ташаббускор истеъдодли кишиларни жалб қилиш, бизнес билан шугулланишнинг мавқеини кўтариш мақсадлари йўлида "Бизнес-пресс" танловини ўтказди.

"Бизнес-пресс" танлови 30 мартдан 1995 йилнинг 25 июнига қадар ўтказилди.

Танловда қатнашиш учун туман, шаҳар, вилоят ва республика оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета, журнал, телевидение ва радиода хизмат қилувчи малакали журналистлар таклиф қилинади.

Малакали журналистлар "Бизнеснинг олтин қалами" танловидида қатнашди. Танловга Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳаракатининг тараққий этиши, Ўзбекистон Президентининг "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш" тўғрисидаги Фармондан 30 мартдан 1995 йил 1 июнига қадар чоп этилган (эфирда кетган) очерклар, репортажлар, интервьюлар тавсия этилади.

Газета, журнал, телевидение ва радио муҳарриратлари "Тадбиркорлик — долзарб мавзу" танловидида қатнашди. Улар 30 мартдан 1 июнь 1995 йилгача бўлган давр ичида чоп этилган (эфирда кетган) "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш" тўғрисидаги Фармонни амалга ошириш йўлини еригувчи турли мавзулардаги цикл мате риалларини тақдим этилади.

"Бизнеснинг олтин қалами" танловидида қатнашиш учун мақола муаллифи ёки мақсадга мувофиқ оммавий ахборот воситаси таҳририяти мақола (матбуотнинг ҳамма жанрлари) чоп этилган газета, журналдан бир нусха ёки радио ва телематериалнинг машинкада кўчирилган матнини танловнинг ташкилий қўмитасига 1 июнь 1995 йилга қадар жўнатиши зарур.

"Тадбиркорлик-долзарб мавзу" танловидида қатнашиш учун оммавий ахборот воситаси муҳарририяти танлов ташкилий қўмитасига чоп этилган (эфирда кетган) материалларини 1 июнь 1995 йилгача муддат ичида тавсия этилади.

"Бизнеснинг олтин қалами" танлови голиблари, 1-3 ўринларни эгаллаган кишилар соҳиб-лауреат деган шарафли номга сазовор бўладилар ("Бизнес-95"нинг олтин, кумуш ва биринчи қалами) ҳамда 7000, 5000 ва 3000 сўм миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Тадбиркорлик-долзарб мавзу" танлови голибларига 30.000, 20.000 ва 10.000 сўм миқдорда пул мукофоти тақдим этилади.

"Бизнес-пресс" танловидида қатнашиш ҳақидаги барча саволларга 45-29-61 рақамли телефондан маълумот олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 8-уй.

Газетамизнинг аввалги сонларида айтганимиздек, тўнгич ботир — деҳқони жаҳолат арслонини енгиб, маърифатга, Ўртанча ботир — хунарманди нафсоният аждаҳосини енгиб, қаноатга эришган Халқни Ҳаққа етказиб, том маънода бахтли-саодатли қилишдек энг мушкул вазифа, табиийки, Кенжа ботир, яъни зиёлининг зиммасига тушади. Бунинг учун эса, аввало Кенжа ботирнинг ўзи мамлакат хазинасига кўз олайтирган қирқ ўғрини барабарига енгиб, Ҳаққа — Ҳақиқатга етиши керак бўлади. Тагин денг, бу ишни жаҳолатнинг узвий бир қисми бўлмиш гафлат уйқуси хуруж қилиб, нафсониятнинг узвий бир қисми бўлмиш ором-фароғат истаги чор тарафдан исканжага олган бир палла — субҳи козибда удалаш, айни ўша субҳи козибни бедор ва хушёр ўтказиш лозим. Бу эса айтишгагина осон! Чунки одам боласи табиатан гафлатга, ором-фароғатга, роҳатга, ҳузур-ҳаловатга айш-ишратга берилувчандир. Бундай хоҳиш-истаклардан ўз ихтиёри билан воз кечиб, кўзланган энг олий мурод-мақсад манзилига етиб бориш учун ҳар бир зиёлига Кенжа ботирнинг мислсиз жисмоний қудрати ва руҳий қуввати керак бўлади.

Кўнгил мулкию мамлакат хазинасини талон-тарож қилишга чоғланган энг ёвуз қароқчи, Кенжа ботир энгиши шарт бўлган қирқ ўғрининг энг каттаси — ҳаромдир, яъни, ҳаромхўрлик, ҳаромлик, ҳаромзодалик, ҳаромпарварлик, хуллас, кайф-сафо ва айш-ишрат уммонига муккасидан шўнгишдир.

"Ҳаром" деб аталмиш машъум рақибни энгиш учун аввало нима ҳаром-у нима ҳалоллигини фарқлаб олиш керак бўлади, албатта. Модомики, одам боласининг вужудида энг улкан икки нафс — жисмоний ва шаҳвоний эҳтиёж мавжуд экан, шу икки нафсни қондириш бобида тилимизда ҳалол билан ҳаромни фарқлаб кўрсатишга йўналтирилган икки сўз бирикмаси ҳам мавжуд: "луқмаи ҳалол", "жуфти ҳалол". Мазкур сўз бирикмаларининг моҳияти шундаки, жисмоний-моддий эҳтиёжни ҳалол луқма билан, шаҳвоний эҳтиёжни эса, ҳалол жуфт билан қондириш керак, булардан бошқаси — ҳаромдир.

Хўш, "луқмаи ҳалол" нима?

Маълумки, инсоний жамиятнинг бутун тарихида одам боласининг бутун сай-ҳаракатлари ўзи тановул қилаётган луқмани арчиб-тозалаб, юйиб-тараб, пишириб-қовуриб, хуштаъм ва хушбўй қилиб, хуллас ҳалоллаб-поклаб тановул қилишга йўналтирилгандир. Нега? Чунки ҳалол-покиза неъматни еган одамнинг жисми ҳам ҳалол-покиза, соғ-саломат бўлади, ўз навбатида "соғ танда — соғлом ақл" бўлади. Кейинги бирор аср мобайнида шакланган истеъзоли мақолга кўра, "текин танни тоза қилади". Бу текинхўр-ҳаромхўр

риш эса — ҳаромдир. Шу боисдан Аҳмад Яссавий ҳазратлари ҳам, Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳам, гарчи атрофларида "дунё моли" минг бир жилва билан гирдикапалак бўлиб турса-да, ўзлари ишлаб топган ҳалол ризқ-рўзга, бирлари қошиқ йўниб сотишдан, иккинчилари наққошлик хунаридан келган соф даромадга қаноат қилиб, фақирона умр кечирганлар. Бола-чақаларини луқмаи ҳалол билан боққанлар. Бундай яшаш тарзи ҳар бир мўмин-мусулмон, ҳар бир қоракўз ўзбек учун бекиёс ибратдир.

"Жуфти ҳалол", эса Аллох

## ҲАРОМДАН ҲАЗАР

кимсаларга нисбатан айтилган аччиқ заҳархандали мақолдир. Аслида текинхўрлик — ҳаром! Танни текин эмас, луқмаи ҳалол тоза қилади, текин эса, бошқа бир халқона ибора билан айтганда, "эртадир-кечдир, тешиб чиқади".

Аллох каломи — Қуръони Каримда луқмаи ҳалол луқмаи ҳаромдан аниқ-тиниқ фарқлаб кўрсатилган. Масалан, арақ — ҳаром, чўчка гўшти — ҳаром, қонхўрлик, ўлаксахўрлик, одамхўрлик — ҳаром. Текинхўрлик, судхўрлик, поражўрликлар — ҳаром. Бошқаларнинг ризқини қийиб, бировнинг ҳақини ейиш ҳам ҳаром. Аҳмад Яссавий ҳазратлари "Фақрнома" рисолаларида ёзиб қолдиришларича, ҳатто ўзига назр-ниёз сифатида келган ноз-неъматни муҳтожлар ва бева-бечораларга бермай, ундан бир луқма еган эшон ва шайхлар — муртаддир. Демак, "луқмаи ҳалол" нима? Аҳмад Яссавий ва Баҳовуддин Нақшбанддек азиз-авлиларимизнинг уқтиришларига кўра, тайёр ошга бақовуллик эмас, ўзинг ўз қўлинг, ҳалол меҳнатинг, сидқидил, гайрат-шижоатинг, заҳмат-машаққатинг эъзизга топиб-тутганинггина ҳалолдир. Бошқа бировларнинг топиб-тутган мўмай луқмасига кўз олайти-

ҳузурда никоҳ орқали бир умрлик йўлдош бўлиб яшашга аҳду паймон қилган эр-хотинлар, танмахрамлар демақдир. Ана шундай эр-хотинлардан тугилиб, ўсиб-унган фарзандлар одатда "палаги тоза" дея таърифланади. Никоҳдан ташқарида "валади зино" бўлиб дунёга келган фарзандлар эса, "ҳароми" деб аталади.

Асрлар бўйи айниқса шаҳвоний эҳтиёжни қондириш борасида ҳалол-покизалик билан ҳаром-ҳаришни бир-биридан фарқлашга алоҳида эътибор билан қаралган. "Жуфти ҳалол" эр-хотинлар ва "палаги тоза" фарзандлар қанчалар азиз ва мўътабар саналса, зинокорлик, хотинбозлик, суюқоёқлик, фоҳишалик, фоҳишабозлик, ҳаромзодаликлар шунчалик аянчли ва жирканч бир ҳол ҳисобланган. Оила муқаддас саналиб, никоҳни бузиш энг улкан гуноҳ ҳисобланган. Бу пири бадавлат оилада ва умрбоқий ниқоҳда палаги тоза фарзандлар — комил инсонларни тарбиялаб воёга етказиш заруратининггина эмас, айни чоғда, одам боласининг насл-насабини, ирсиятини ҳалол-покиза, демакки соғлом, соғ-омон сақлаш истагининг ҳам ифодасидир. Зеро, ҳозирги замон тиббиёт фанининг энг сўнги ютуқлари ҳам шуни аён кўрсатиб турибдики, ҳар қандай ижтимоий

инкироз, руҳий тушқунлик, ирсий бузилиш ва жисмоний иллатлар, хусусан заҳм ва бошқа хил теританосил касалликларидан тортиб то ҳозирги даврнинг энг машъум дарди бедавоси — СПИДга қадар барча-барчасининг туб илдири шаҳвоний эҳтиёжларни қондиришдаги ҳаром-ҳаришга, яъни, зинокорликка бориб тақалади.

Бу ҳол, масалан, француз адиби Ги де Мопассаннинг "Ўғил" ҳикоясида санъаткорона очиб кўрсатилган. Асарда тасвирланишича, аллақайси меҳмонхона ҳовлисида баҳузур суҳбатлашиб ўтирган вазир билан академик нарироқда ивирсиб юрган эси паст отбоқарга қараб шу ҳолни ўзларича "кашф қиладилар"ки, у ҳамсуҳбатлардан бирига жуда-жуда ўхшаб кетар экан: Кейинчалик вазир суриштириб билса, дарҳақиқат, ўша мажруҳ кимса унинг бир пайтлар шу меҳмонхонада бир кеча тунаб, тасодифан ортирган ўз ўғли бўлиб чиқади!

Зинокорликнинг қонуний ҳосилалари фақатгина ўша тенг отбоқардек майиб-мажруҳларгинами? Йўқ! Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, бир пайтлар жаҳоний куч-қудрат касб этган темурийлар салтанатининг емирилишига бош сабаб ҳам темурий шаҳзодаларнинг зинокорликка, кайф-сафо-ю айш-ишратга берилишига бориб тақалади. Бугени сўрасангиз, қадимий заминимизнинг мустамлака бало-сига гирифтор бўлишида Худоёрхондек хукмдорларнинг ўз ҳарамларини ўнлаб канизаклар ва жорияларга тўлдириб, айш-ишратга муккаларидан шўнгишлари сабаб бўлгандир.

Модомики, бугунги кунда кўпдан қутилган муродимиз ҳосил бўлиб, мустақиллик йўлида дадил одимлаётган эканмиз, энди қадимий заминимизда мустаҳкам ва келажаги буюк давлатни қайта барпо этишимиз учун аввало зиёлиларимиз — Кенжа ботирларимиз ҳаромдан ҳаром қилмоқлари, қолаверса, ҳаромни кўрганда кўриб, кўрмаганга олиш ўрнига "Алҳазар!" дея истиғфор келтирмоқлари керак бўлади.

Шундай қилиб, "Алҳазар!" — ҳаромдан ҳазар, руҳни поклаб, Ҳаққа — ҳақиқатга етишишнинг бирламчи шаклидир.

Р. ОТАУЛИ.



Бу йил "Тоҳир ва Зухра" фильмининг 50 йиллигини нишонлаймиз. Кино аҳли томошабинлар билан учрашиб, шох асар яратилиши жараёни ҳақида сўзлаб беришга аҳд қилди. Ҳақиқатан, ҳам бу дурдонага катта рисола бағишласа бўлади. У ҳақда соатлаб ҳикоя қилса арзийди. Уни қайта-қайта умрингизнинг турли босқичларида янгитдан кўрсангиз — зерикмай-сиз, кўнглингизга урмайди. Фильм бойидаги сизни. Фикр уйғотади. Ҳис-ҳаяжонга тўлиб-тошиб чиқасиз томошадан. Бугна эмас: асар баддий ижод муаммолари тўғрисида мулоҳаза

қилишга ундайди, уларни ечиш йўлларини ҳам кўрсатади...

Шу боис миллий кино санъатининг улкан ютуғи ҳисобланмиш бу фильм ҳақида биз ҳам

унутилмас дақиқалар ҳақидаги ҳикояларини келтирмоқчимиз...

"Бир асарга намунча шунча диққат-эътибор?" — деб таажжубланидиганлар ҳам

## ЗУХРАНИНГ ШОЙИ ЛИБОСИ

Ўзбекистон киносининг ташкил топганига 70 йил тўлди. Муҳаббат, нафрат, қайғу ва ҳасрат, адолат ва разолат каби ранго-ранг туйғулар ифодаланган қатор-қатор тасмалар қалбларни ларзага сола олган, ҳисларни кўзгата қолган, дилларга қувонч ва кулгу солган.

"Тоҳир ва Зухра", "Бешаласи Фарғонадан", "Ер фарзанди", "Махаллада дув-дув гап", "Ер-ёр" каби умрибоқий фильмлар қалбимиздаги баддий бир меросдир.

Бугунги мавзу миллий фаҳрга айланган "Тоҳир ва Зухра" фильмидаги тарихга кириб қолган Зухранинг кийими моҳирона ишланган сурат ҳақида...

бафуржа ҳикоя қилишга уриниб кўрамыз. Унга тақриз езмаймиз — бу иш озми-кўпми қилинган. Сценарийдан парчалар келтирмаймиз — бу ҳам қилинган. Режиссерни — "Тоҳир ва Зухра" ижодий гуруҳига раҳбарлик қилган Наби Ганиевни мактаб ўтирмаймиз. Зеро, асарнинг ҳар бир кадри унинг поэтик дидидан, кучли эҳтиросидан, юксак малакасида, баддий бисоти нақадар бой эканлигидан далолат бериб туради...

Биз туркум мақолаларда асарнинг яратилиши босқичларини эслатиб ўтмоқчимиз. 50-52 йил муқаддам мазкур асар устида ишлаган ижодкорларнинг тақдир ҳақида маълумотлар бермоқчимиз. Кино аҳлининг ўша давр, ўша

бўлиши мумкин, эҳтимол: Уларга жавоб тариқасида шуларни айтамыз: миллий кинеметорафиямизнинг 70 йиллик тарихида "Тоҳир ва Зухра" даражасига кўтарилган бирорта асар бўлмади. Бундай мулоҳазамиз билан жаҳон экранларида кўрсатилиб, экранимизга шуҳрат келтирган асарларнинг аҳамиятини, баддий кучини заррача ҳам камситиш ниятида эмасмыз. Лекин "Махаллада дув-дув гап" ҳам, "Сен етим эмассан" ҳам, "Севишганлар" ҳам (бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин) ижодий мактаб, босқич хизматини ўтолмайди. Улар кинодаги маълум изланишга яқин ясади ва ўзининг баддий баркамоллиги билан кўзга ташланди.

Фақат "Алишер Навоий"нинг мураккаб

тўқимаси "Тоҳир ва Зухра"никини эслатади. Лекин бу кино тасмасининг пайдо бўлишида Наби Ганиевнинг асари ҳал қилувчи омил бўлган. Бу масалада икки кино асарининг муносабатлари юзасидан фикр юритиш бизга жуда қизиқарли кўринади, мақоламиз аввалда айтган сўзимизнинг устидан чиқиш ниятида мазкур асар билан боғлиқ бўлган айрим бир ҳужжатни келтириш, уни изоҳлаш билан чекланамиз.

Саҳифадаги фотосуратга аҳамият беринг. (Унинг бир четига Наби Ганиев, Даниял Демуркий, оператор Варшам Еремян, рассом, яна кимдир эҳтимол, фильм директори М. Ишявскийдир, имзо чекканлар). Зухра артист Юлдуз Ризаева кийиши лозим бўлган либоснинг эскизи барча тафсилотлари билан келтирилган.

Зухранинг нимчасини, халатини, кўйлагини, лозимини, тугмаларини ижодкорлар шу тарзда тасаввур этганлар. Кейинчалик у шу ҳолда экранда ҳам намоён бўлган.

Рассом тарихни, унинг ерқин сиймоларини, маданиятни ҳамда унинг турли кўринишларини чуқур ўрганганини, дид билан либосларни танлаганини қайд этардик. У жияк қандай бўлиши, либос қандай материалдан тикилишини ҳам аниқ кўрсатган.

Бу ҳужжатни топганимизда жуда хурсанд бўлдик. Чунки у "Тоҳир ва Зухра"нинг сценарийси, ижроси, монтажи устида ишлаш дамлари ҳақидагина эмас, унинг тасвири, жумладан, либосини танлаш ва тасдиқлаш палласи ҳақида ҳам фикр юритишга имкон беради. Саҳифанинг сатҳи чеклангани тўғрисида биз бу эскизни XV аср миниатюрасидаги қаҳрамонлар либоси билан, бахшлар таърифлаган қаҳрамон Зухра ва унинг шойи кўйлаклари билан қиёс қилиш имконига эга эмасмыз.

"Тоҳир ва Зухра" ҳақидаги ҳикоямиз давом этади.

Ҳамидулла АКБАРОВ,  
Санъатшунослик доктори.

АПРЕЛЬ

ДУШАНБА, 10

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Алдарқўса ва бой". Мультфильм. 18.20 "Солиқ". 18.45 Футбол шарҳи. 18.55 "Ҳуқуқий жамият сари". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 20.25 "Умрбоқий ва ҳаммиша навқирон". Телефильм. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. "Оила". 21.55 "Маъмура кампир". Олим Хўжаев номидagi Сирдарё вилоят театрининг спектакли. 23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Кўзумчоқ". 19.00 "Бу бўстон аро...". 19.30 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 20.00 "Сийёш портретга чизгилар". Роман Герцог. 20.20 "Гўзаллик фасли". 20.35—22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги. "Чекист ҳақида қисса". Бадний фильм.

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Ешлик" студияси. "Тафаккур".

"ОМАД" таништиради:

19.35 "Совға". 20.05 "4/8". Мусиқий кўрсатуви. 20.25 Жаҳон географияси. 21.15 Эълонлар. 21.20 Видео—"О". 23.00 Эълонлар. 23.05 "Курьер". 23.25 "...яна об-ҳаво ҳақида". 23.35 "Постфактум". 23.45 — 00.05 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тигиз пайт". 18.20 "Бизникилар Америка музи устида". Хужжатли фильм. 18.45 "Матбуот клуби". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45—21.40 "Мастер ва Маргарита". Теле-сериал. 2-серия. 1-қисм (Польша телевидениеси, 1988 й.).

СЕШАНБА, 11

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Огарев, 6". Бадний фильм. 9.30 Немис тили. 10.00 "Ешлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Истиқлол ва мафкура". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 12.00 "Кетма, баҳор". Мусиқий композиция. 12.30—14.00 "Нурли келажак". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўқувчи ёшларнинг сиртки телевизион олимпиадаси. Математика. 18.40 "Меҳнату муруватга чорлар Наврўзи олам". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Нурли Тошкент оқшомлари". Теле-фильм. 20.05 "Бойсун" фольклор этнографик ансамблининг концерти. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Бугунги Германия". 22.00 "Ижод завқи ва машаққати". Киноқўрсатуви. 22.45—23.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Мультикарусель". 18.55 "Хайвонот дунёсининг сирлари". 19.45 Янгиликлар. 19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.35 Видеоғид. 20.55 "Теле-ателье-шоу". 21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 21.45 "Киноингоҳ". 23.25—23.45 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель".

18.55 "Ислоҳот ва масъулият". 20.25 "Дурдарши" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.25 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.35 "Бизнес-банк". 21.50—22.30 "Бизнес мирас" (татар тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 "Телетонг". 18.00 "Тигиз пайт". 18.20 "Шаддод Роза". Теле-сериал (Мексика). 19.00 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.40 "Илк манбадан". 20.55—22.35 Режиссёр Александр Митт фильм. "Сибирда исзиз кетганлар".

ЧОРШАНБА, 12

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Словнинг тизинганиши". Бадний фильм. 1—2-сериялар. 10.40 Ўқув кўрсатуви. Кимё. 11.10 Чолғу куйларидан концерт. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. 12.00 "Ешлик" студияси. "Мўъжизалар оламида". 12.30 "Ҳуқуқингизни биласизми?". 12.50—13.40 "Фахрийлар — фахримиз".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Қўнғироқча". 18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртки телевизион олимпиадаси. Физика. 19.10 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Ойбек таваллудининг 90 йиллиги олдидан. Бир асар тарихи. "Болалик". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Яқинлашган Америка". 22.00 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ хофизани Одил Хофиз. 22.50 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир. 23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Ўзим ҳақимда...". 19.00 "Дарса қўнғироқча". 19.45 "Мусиқий меҳмонхона". 20.45 "Дарвоқе...". 21.05 "Тошкент оқшомиди". 22.05—23.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Барча юлдузлар". 19.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.

"ОМАД" таништиради:

20.20—23.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ". "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 5.00—8.00 "Телетонг". 18.00 "Тигиз пайт". 18.20 "Шаддод Роза". Теле-сериал. 19.00 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45—22.40 Режиссёр Кира Муратова фильми. "Жиззак миллионер".

ПАЙШАНБА, 13

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Хайр, кабутарлар". Бадний фильм. 9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.00 Дала юмушлари. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик. 11.00 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилпарини". 11.30 "Сихат-саломатлик" почтасидан. 12.00 "Созимда севги васфи". Концерт. 12.30 "Бола бошидан...". 13.10—13.40 Янги китоблар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Улғайиш поғоналари". 18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртки телевизион олимпиадаси. Кимё. 19.10 Шейри дақиқалар. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Инсон ва қонуни". 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Мен ва дунё". 22.05 Бастакор Туйғун Отабоев кўшиқлари. 22.35 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир. 23.05—23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Қўнғир". 18.40 "Жозоба". 19.00 "Бир шингил хангома". 19.10 "Муҳаббатга ошно қалблар". 19.30 "Теле-ателье-шоу". 19.40 Видео янгиликлари. 20.05 Янгиликлар. 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.55 "Киноингоҳ". 22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Қўнғир". 18.40 "Жозоба". 19.00 "Бир шингил хангома". 19.10 "Муҳаббатга ошно қалблар". 19.30 "Теле-ателье-шоу". 19.40 Видео янгиликлари. 20.05 Янгиликлар. 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 20.55 "Киноингоҳ". 22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Ҳаракатда баракат". 19.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм. 20.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 20.40 "Дурдарши" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.40 "Дидар" (қозоқ тилида). 22.20 "Ўзбекистон — қадрдон уймиз". 22.50 — 23.25 "Интилиш".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—8.00 "Телетонг". 18.00 "Тигиз пайт". 18.20 "Шаддод Роза". Теле-сериал. 19.00 "Маҳбуба". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.40 "Москва, Кремль". 21.05 — 23.10 Кино асри. Брижит Бардо "Рома хибони" фильмида (Франция, 1971 й.).

ЖУМА, 14

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Пушчик Прагага боради". Бадний фильм. 9.25 Немис тили. 9.55 "Болалигим — пошшолгим". 10.15 "Жураҳон ака". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 11.00 "Ешлар ва замон". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 12.00—14.00 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Зангори филча". Мультфильм. 18.20 "Истеъдод кирралари". 18.50 "Тараққиёт". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ассалому алайкум, азизлар!". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.10 "Оламга савҳат". Киноқўрсатуви. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Маърифатнома". 22.00 Уктам Аҳмедов ва Рушель Рубиновлар икросида мумтоз ашулалар. 22.40 "Алангали сўқмоқлар". Бадний фильм. 23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Фильмлар ва тақдирлар". 19.10 "Гўзаллик бунёдкорлари". 19.40 "Утмишиз келажак йўқ". 20.10 "Билиб қўйган яхши". 20.35 "Раъно Шарипова куйлайди". Фильм-концерт. 21.05 "Тошкентнома". 22.05—22.25 Ўзбек киносининг 70 йиллиги. "Анҳор бўйлариди".

18.30 "Фильмлар ва тақдирлар". 19.10 "Гўзаллик бунёдкорлари". 19.40 "Утмишиз келажак йўқ". 20.10 "Билиб қўйган яхши". 20.35 "Раъно Шарипова куйлайди". Фильм-концерт. 21.05 "Тошкентнома". 22.05—22.25 Ўзбек киносининг 70 йиллиги. "Анҳор бўйлариди".

ЎзТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Кўнғил кўприклар". 19.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.

"ОМАД" таништиради: 20.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар. 20.30 Эълонлар. 20.35 "Панорама". 21.05 "Салом, ёшлар!". 21.50 "Даракчи". 22.00 Эълонлар. 22.05—23.45 Видео — "О".

17.10—18.40 Туркия телевидениеси. 18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Кўнғил кўприклар". 19.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадний фильм.

"ОМАД" таништиради: 20.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар. 20.30 Эълонлар. 20.35 "Панорама". 21.05 "Салом, ёшлар!". 21.50 "Даракчи". 22.00 Эълонлар. 22.05—23.45 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 "Кулнинг чеки йўқ ёки Одессадаги ҳазил-мутуйбалар".

ШАНБА, 15

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 "Османдан тушган мерос". Бадний фильм. 9.25 "Футбол майдонларида". 9.45 "Ешлик" студияси. "Даврага кел, дугонажон!". 11.05 Мультфильм. 11.25 "Оламини асранг!". 11.55 "Қиноқўгауда акс этган санъат". Киноқўрсатуви. 12.25 Оилавий ансамбллар телевизион фестивали. Қорақалпоғистон Республикаси. 13.00—13.40 "Учрашув".

ЎзТВ II

17.55 "Бомонд". 18.15 "Шаддод Роза". Теле-сериал. 18.55 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 "Мастер ва Маргарита". Теле-сериал. 2-серия. 2-қисм. 21.35 "Тапқинлар". 21.50—22.30 "Взгляд".

17.55 "Бомонд". 18.15 "Шаддод Роза". Теле-сериал. 18.55 "Мўъжизалар майдони". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 "Мастер ва Маргарита". Теле-сериал. 2-серия. 2-қисм. 21.35 "Тапқинлар". 21.50—22.30 "Взгляд".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. "Писниқ". 18.40 "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ўзбеккона лутф". 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал. 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиоанти. "Нурафшон" — "Навбахор". 23.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. "Писниқ". 18.40 "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ўзбеккона лутф". 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал. 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиоанти. "Нурафшон" — "Навбахор". 23.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Зангори филча". Мультфильм. 18.20 "Истеъдод кирралари". 18.50 "Тараққиёт". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ассалому алайкум, азизлар!". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.10 "Оламга савҳат". Киноқўрсатуви. 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Маърифатнома". 22.00 Уктам Аҳмедов ва Рушель Рубиновлар икросида мумтоз ашулалар. 22.40 "Алангали сўқмоқлар". Бадний фильм. 23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

18.30 "Табассум". 19.10 "Антенна". 19.40 "Пульс". 19.55 "Акс-садо". 20.25 "Менинг кўчам". 20.40 "Эсдалик учун дастхат". 21.05 "Ҳар соҳадан бир шингил". 21.25 "Гладиаторлар". Спорт-шоу. 22.10—23.50 "Кинематограф".

18.30 "Табассум". 19.10 "Антенна". 19.40 "Пульс". 19.55 "Акс-садо". 20.25 "Менинг кўчам". 20.40 "Эсдалик учун дастхат". 21.05 "Ҳар соҳадан бир шингил". 21.25 "Гладиаторлар". Спорт-шоу. 22.10—23.50 "Кинематограф".

10.00 "Мюзик-холл". 10.30 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда". 11.00—12.00 "Ешлик" студияси. "Талабалар саҳнасида". 17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 "Мультикарусель". 18.55 "Ешлик" студияси. "Гул ва...". 19.35 "Колумб кашф этган диёр". 20.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.50 "Грифон". Ўзбекистон кинематографчиларини махсус соврин билан мукофотлаш маросими. 21.50 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.00 "Бу ажиб дунё". 22.20—22.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 17.20 "Кулнинг чеки йўқ ёки Одессадаги ҳазил-мутуйбалар".

18.15 "Қайсар қизча". Детектив кинокомедия (Франция, 1993 й.). 19.40 Хайрли тун кичкинтойлар! 20.00 "Время". 20.45 "Мастер ва Маргарита". Теле-сериал. 3-серия. 1-қисм. 21.30 "Оба-на". 22.05—23.00 "Матадор".

ЯҚШАНБА, 16

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги. "Дивизия командирининг бир кун". Бадний фильм. 9.30 "Шохрух" клуби. 10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 11.00 Болалар учун. "Эртақлар — яхшиликка етаклар". 11.30 "Қишлоқ ҳаёти". 12.30 Баҳор тароналари. 13.00 "Эгуликка интилиб". 13.35—15.00 "Маънавият" видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Қўнғирчоқлар — менинг дўстларим". 18.35 "Фан фидойиси". Академик Ёлқин Тўрақулов. 19.05 "Ойна жаҳонда...". 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 "Санъат олами". 20.30 Дам олиш концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ҳафтанома". 21.30 Эълонлар. 21.35 "Мерос". Бобур. 22.20 "Фитна". Бадний фильм. 23.55—00.25 "Ҳафтанома".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. "Писниқ". 18.40 "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ўзбеккона лутф". 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал. 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиоанти. "Нурафшон" — "Навбахор". 23.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун фильм. "Писниқ". 18.40 "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 19.15 Спорт хабарномаси. 19.25 Эълонлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 "Ўзбеккона лутф". 20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 20.40 Оқшом эртақлари. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал. 22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиоанти. "Нурафшон" — "Навбахор". 23.25 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида). 23.35 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

10.00 "Омад" тақвими. 10.05 "Қўнғил". 10.10 "Жозоба". 10.30 "Бир шингил хангома". 10.40 "Муҳаббатга ошно қалблар". 11.00 "Теле-ателье-шоу". 11.10 Видео янгиликлари. 11.35 Янгиликлар. 11.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар. 12.25 "Киноингоҳ". 14.05—14.25 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совға". 17.30 "4/8". Мусиқий дастур. 17.50 Жаҳон географияси. 18.40 Эълонлар. 18.45 Видео — "О". 20.25 Эълонлар. 20.30 "Курьер". 20.50 "...яна об-ҳаво ҳақида". 21.00 "Постфактум". 21.10 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си"). 21.30 "Панорама". 22.00 "Кимга қанақа". 22.40 Эълонлар. 22.45 "Даракчи". 22.55 Эълонлар. 23.00—00.40 Видео — "О".

17.00 "Совға". 17.30 "4/8". Мусиқий дастур. 17.50 Жаҳон географияси. 18.40 Эълонлар. 18.45 Видео — "О". 20.25 Эълонлар. 20.30 "Курьер". 20.50 "...яна об-ҳаво ҳақида". 21.00 "Постфактум". 21.10 Жаҳон янгиликлари ("Эй-Би-Си"). 21.30 "Панорама". 22.00 "Кимга қанақа". 22.40 Эълонлар. 22.45 "Даракчи". 22.55 Эълонлар. 23.00—00.40 Видео — "О".

18.40 "Ешлар билан юзма-юз". 19.10 "Дурдарши" телекомпаниясининг янгиликлари. 20.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.35 "Грифон". Ўзбекистон кинематографчиларини махсус соврин билан мукофотлаш маросими. 21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари. 21.45 "Бу ажиб дунё". 22.05 "Мусиқий жиловлар". "Атлас" гуруҳи. 22.45—22.55 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

18.15 Катрин Денев "Ҳинди-Хитой" мелодра-масида (Франция, 1992 й.). 21.00 "Яқшаанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.45—23.20 "Мастер ва Маргарита". Теле-сериал. 3-серия. 2-қисм. 4-серия. 1-қисм.

"Тошкентдан гапиримиз ва кўрсатамиз" дастуридан.

## НАЗМ ВА НАСР МУШОИРАСИ

Бадий битиклар ҳаёт маъносининг бир талқини янглиғ эзгулик нурини сочади. Сўзлар жиловидан ифодасини топган адабиёт фани кўна мезондан тортиб, то бугунги кунимиз назм ва наср усталарининг номларини ўз саҳифаларига олган. Ой-кунларни қувлаб йиллар ўтмоқда. Адабиёт майдонидан янги номлар ўз ўрнини топмоқда. Натижада адабиёт фани дастурлари янги шакл олмақда.

Дарсликларга янги номлар киритилганлиги, ёш иқтидорли шоир ҳамда ёзувчилар ижоди ўрганилаётган дамлар адиб билан учрашув ўтказиш аънаёнага айланмоқда. Кун кеча ёзувчи Тоҳир Малик, шоир Муҳаммад Юсуф билан таржимон Ҳасан Тўрабековлар пойтахтимиздаги 162-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда Низомий ном-

ли муаллимлар тайёрлаш институти талабаларининг адабий учрашуви бўлди. Уни адабиётшунос Баҳодир Валиев олиб борди, иштирокчиларга ижодкорларнинг ҳаёт йўли асарлари ҳақида сўзлаб берди. Талабалардан З. Темирова "Шайтанат" асаридан илҳомланиб ёзган шеърини ўқиб берди.

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг дил сўзлари ва янги шеърлари эса барчани тўлқинлатирди. Ўқувчилардан А. Ғаниева, Ф. Ҳакимова, А. Йўлдошев, У. Рамазонова, А. Рамазоновалар шоир шеърларидан ёдлаб, даврага фойз киритдилар. Шоир шеърлари билан айтилаётган кўшиқлар ҳам маҳорат билан ижро этилди. "Сўнги ўқ" асаридан саҳналаштирилган кўринишлар ҳам барчага манзур бўлди. Адабий учрашув талаба ва ўқувчилар учун унутилмас, ғайриоддий дарс сифатида уларнинг адабиётга бўлган ҳавасини янада оширди.

Маҳмуда ЗОИРЖОН қизи.  
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллими.

## КОРХОНАДА ХОТИРА КЕЧАСИ

Шундай кишилар бўладики, ҳаёти давомида, комил ишларга, улғуриб, элу-юрт назарида яшайди. Иззат-хурмат билан улғуланади.

Инобатхон Болтабева ҳам шундай иззатга сазоворлардан бири экани опанинг 75 йиллиги муносабати билан ўтган хотира йигинида янаям яққолроқ билинди. Опа Андижон бадий буюмлар фабрикасида узоқ йил ишлаган, 25 йил директорлик қилган. Чевар, ажойиб ўстоз, уч ўғил, икки қизнинг онаси, маҳалла — куйнинг ибратли фаоли эди.

Вилоят аёллар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган бу хотира ошига опанинг ҳамкасблари, ўғил-қизларидан ташқари унинг сафдошлари, маҳаллий санъат концерни ва тармоқ касаба уюшмалари вакиллари келдилар.

Кечани вилоят аёллар кўмитаси раиси, таниқли шоира

Турсуной Содиқова олиб борди.

Андижон вилоят маҳаллий санъат концерти раиси Одилжон Содиқов, Ўзбекистон халқ артисти Маърифат Убайдуллаева, опанинг дугонаси, таниқли педагог Фаридона Қосимова, опанинг корхонадаги сафдош ҳамкасбларидан Мақсудахоним Салимжоновалар сўз олиб, Инобатхон Болтабева-нинг ибратли ҳаёти, меҳнати, одамийлиги, заҳматкаш бекалиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Мақсудахоним Салимжоновалар эса ҳозирда "Меҳнат гули" ҳиссадорлик жамиятига айланган бу корхонага Инобатхон Болтабева номи берилишини тақлиф қилди. Корхона ва тармоқ касаба уюшма кўмиталари ва маҳаллий санъат концерни вакиллари бу тақлифни маъқуллаб чиқдилар.

Хотира оши сўнгида опанинг руҳига қуръон тиловат қилинди. "Меҳнат гули" корхонаси директори Тоҳиржон Солиев Инобатхон Болтабева-нинг шоғирлари тикан жойнамоаларни барчага улашди.

Замира РЎЗИЕВА.

(10—16 апрель ҳафтасига)

ДАЛВ (20.01 — 18.02) ойда турилганлар учун келаси ҳафта ўта қайноқ келиши кутулади. Яъни мазкур кунлар давомида ҳар хил яхши ва нохуш воқеалар бўлиб ўтиши эҳтимол қилинади. Шуларни назарда тутиб, иложи борича барча ишларда эҳтиёткор ва зийрак бўлган маъқул. Ойлада эса кўпроқ фарзандлар тарбиясига ва ота-оналарни рози қилишга ҳаракат қилиш лозим. Бу кунларда молиявий соҳада ҳам ўйлаб, режалар иш қилинса, каттагина даромад келиши мумкин. Ҳафта давомида хизмат сафарига чиқиш, масъуллар қабулида бўлиш ҳам яхши натижалар келтириражак.

ҲУТ (19.02 — 20.03) ойда турилганлар учун келаси ҳафта бир оз нохуш келиши кутулади. Хусусан ҳафтанинг аввалида ишхонада ва оила бюджетидан бир оз қийинчиликлар юзга келиши мумкин. Лекин сабр қилиб, босиқлик билан ҳаракат қилинса, иншооллох, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Юз беражақ қийинчиликларнинг олдини олиш учун ўғрилиқ, хиёнат ва бузуқчиликлардан қаттиқ ҳазар қилиш лозим. Бу кунларда сафарга чиқмаган ва иложи бўлса катталар билан мулоқотда бўлишдан сақланиб турган маъқул.

ҲАМАЛ (21.03 — 21.04) ойда турилганлар учун келаси ҳафта оддий, осойишта ўтиши кутулади. Деярли бирор катта воқеа содир бўлмайди. Бу кунларда оила билан дам олишга чиқиш, табиат кучида сайр этиш, қадрон еру-биродарлар билан бирга бўлиш жуда кўнглили ўтиши кутулади. Бундан ташқари тўй-ҳапсам ва бирор-бир маросимни ўтказишга ҳам ҳеч қандай моневъликлар йўқ. Шу билан бирга сафарга чиқиш ва ўз соғлиғига ғамхўрлик ҳам кўп маъқул ишлардандур.

САВР (22.04 — 20.05) ойда турилганлар учун келгуси ҳафта тўла омад бўлиши кутулади. Бу кунларда қўлга катта маблаг тушиши, илмий соҳада улкан ютуққа эришиш, муҳаббат борасида омади юрилиши, оиласида узоқ кутутилган қувончли воқеа содир бўлиши, ишхонада эса мансаб даражаси кўтарилиши мумкин. Мазкур кунларда ҳар қандай шартномаларни имзолаш ва унинг борасида иш бошлаш ҳам, иншооллох, яхши натижалар келтириражак. Ҳафта давомида бева-бечора, етим-есирларга хайри-эҳсон қилиш ҳамда Оллоҳ томонидан буюрилган фарз амалларини бажариш мазкур муваффақиятлар узра муваффақиятлар келтириражак.

ЖАВЗО (21.05 — 21.06) ойда турилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалиги икки кун бир оз нахс келиши, қолганлари эса тинч давом этиши кутулади. Шунинг учун имкон қадар ҳафта бошида кўпроқ вақтни оилада ўтказилса, иншооллох, ҳаммаси яхши бўлади. Аммо мабодо ишга бориш еки бирор савдо билан машғул бўлиш зарурати бўлса, у ҳолда нарсаларни ўта эҳтиёткорлик билан Аллоҳдан ердан сўраб, ниятни тўғри қилиб, хиёнатни кўнглига келтирмай бошлаш керак. Ҳафтанинг кейинги кунларида ҳар қандай режадаги ишларни бошлайвериш мумкин. Бу кунларда тўй-маросимлар ва сафарга чиқишлар яхши ўтиши эҳтимол қилинур.

САРАТОН (22.06 — 22.07) ойда турилганлар учун келгуси ҳафта омадли келиши кутулади. Бу кунларда ўйлаб қўйилган ишларни бажариб яхши натижаларга эришиш мумкин. Хусусан, савдо-сотик ва ишлаб чиқариш соҳаларида катта муваффақиятларга эришиш эҳтимол қилинур. Бу ҳафта шахсий ҳаётларида ҳам омад кўлиб боқадилар. Мазкур кунларда тўй-ҳашамлар ўтказиш ва хизмат сафарига чиқиш ҳамда иш юзасидан масъуллар қабулида бўлиш кўзланган мақсад билан тутар. Спиртли ичимликлардан, елгон, ғийбат ва бўҳтондан сақланиш ҳафтадаги омадлар калити эканлиги эзилгандир.

## Илми нўжум талқинлари

АСАД (23.07 — 22.08) ойда турилганлар учун келаси ҳафта жуда ҳам қизиқарли ва воқеаларга бой ўтиши кутулади. Бу кунларда оила бюджетидан катта ўзгариш бўлиши, кутулмаган қадронлар билан учрашувлар юз бериши ҳамда ўйламаган мартабаларига кўтарилиш ҳоллари эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида ота-оналарни рози қилиш, уларни зиёрат этиш, уларнинг ҳақларига дуолар қилиш жуда ҳам муҳимдир. Бу кунларда тўй-ҳашамлар ўтказиш ва сафарларга чиқиш ҳам мароқли яқунланажак.

СУНБУЛА (23.08 — 22.09) ойда турилганлар учун келаси ҳафта нотинч ва ҳавотирли ўтиши кутулади. Шунинг учун бу кунлар давомида сафарга чиқишдан, маросимлар ўтказишдан, ҳамда бемаҳалда юришдан, яхши билмаган иши билан шуғулланишдан тўхтаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари оилада ва ишхонада ўта ширинсўз ва хушмуомала бўлиш даркор. Акс ҳолда бу жойларда катта муаммоларга сабаб бўладиган нохушликлар келиб чиқиши мумкин. Мазкур ҳафтада Аллоҳ Талоо буйруқларини қўлдан келганча адо қилиш мароқли ҳафтадаги нохушликларнинг олдини олиши аниқ.

МЕЗОН (23.09 — 22.10) ойда турилганлар келаси ҳафтада хоҳлаган ишлари билан шуғулланишлари мумкин. Қилаётган барча ишларида барака ва унум бўлиши эҳтимол қилинур. Бу кунларда хизмат сафарига чиқиш, бошлиқлар ҳузурда бўлиш ҳамда тўй-ҳашамлар ўтказиш ҳам кўнглидаги бўлур. Ҳафта давомида елгон ўғрилиқ, тухмат ва бўҳтон қилишдан, биронинг мулки е аели (е эри) га кўз олайтиришдан қаттиқ сақланиш зарурдир.

АҚРАБ (23.10 — 21.11) ойда турилганлар учун келаси ҳафтани аввалиги ярми омадли, кейинги ярми эса нохушроқ келиши кутулади. Шунинг учун имкон қадар режалаштирилган ишларни ҳафтани аввалида бажариб олишга ҳаракат қилиш керак. Бу кунларда оилада ва иш жойларида қувончли воқеалар содир бўлиши эҳтимол қилинур. Хусусан, маблар жиҳатидан яхши хурсандчилик бўлур. Аммо ҳафтани қолган ярмида иложи бўлса қилинган ишларнинг ҳисоб-китоби билан шуғулланган, кўпроқ вақтни оила кучида фарзандлар тарбиясига бағишлаган маъқул. Шу билан бирга сафар ва тўй-ҳашамлар ўтказишдан сақланиб туриш ҳам яхшидур.

ҚАВС (22.11 — 21.12) ойда турилганлар учун келаси ҳафта тўла омад ҳафтаси бўлиши кутулади. Бу кунларда режалаштирилган барча ишларни бажариш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқариш, дала ишлари ва илмий соҳаларда яхши натижаларга эришиш эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида кишилар қалбига йўл топиш ва уларнинг меҳрини осон қозониш мумкин. Шуларни эътиборга олиб, иложи борича атрофдагиларга меҳр-оқибат кўрсатиб, уларнинг хурматини қозонишга ҳаракат этиш лозим.

ЖАДДИ (22.12 — 19.01) ойда турилганлар учун бу ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиб, деярли эсда қоларли воқеалар бўлмалиги эҳтимол қилинур. Мазкур кунларда сафарга чиқиш, тўй-ҳашамлар ўтказиш, дам олишлар уюштириш ҳамда табиатга сайр этишлар жуда мароқли ўтиши кутулади. Бу ҳафтада бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш, қариёндош-уруғлар билан борди-келди қилиш кўп яхши бўлур. Валлоху Аълам.

## СОБИР

ЮСУПОВ

## ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси, Касаба уюшмалари "Ўзбекистон" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши, Тошкент тумани Турғун Мирзаев номли корпорацияси ва Республика "Пахтакор" жисмоний тарбия — соғломлаштириш клуби Агросаноат мажмуи тизимидаги болалар-ўсмирлари спорт мактаби ўқувчилари командалари ўртасида Собир Юсупов хотирасига бағишланган футбол бўйича Республика мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақада 8 та вилоятдан голиб командалар қатнашди. Қизиқарли ўтган бу учрашувнинг яқунловчи қисмида Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактаби командаси билан Сурхондарё вилоятининг "Ёшлик" командалари учрашдилар. Бу ўйинга пухта тайёргарлик кўрган Тошкент вилояти командаси 4:2 ҳисобида галаба қозониб, турнир голиби бўлди.

Голиб командага Собир Юсупов расми туширилган ёдгорлик ҳамда ҳар бир ўйинчига эсдалик совғалари топширилди.

А. ҲУСАИНОВ.

# МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

## ХАРИДОРЛАР ДИККАТИГА!

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон шаҳридаги "Ширинлик" қуруқ мевалар агрофирмаси ўз маҳсулотининг афзалликларини билан ном қозонган. Чунончи, қуритилган сабзавотлар уй бекалари юмушини анча энги плаштиради. Сувга солинганидан сўнг 15-20 дақиқа ичида олдинги янги ҳолатига қайтади. Ўз таркибида зарур моддаларни тўлиқ сақлаган ҳолда уйингизда кўп жойни эгалламайди. Агрофирма шундай маҳсулот турларидан қуйидагиларни тақлиф этади:

1. Қуруқ мева аралашмаси. Ҳар килосининг баҳоси 17 сўмдан. Жами 200 тонна.
2. Сарик сабзи қоқиси. Ҳар килосининг нархи 19 сўм 85 тийиндан. Жами 200 тонна.
3. Карам қоқиси ҳар килосининг баҳоси 23 сўм 50 тийиндан. Жами 100 тонна.

Манзил: Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, "Ширинлик" агрофирмаси. Телефон: 8 (36944), 22-300.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир

Сайдакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари),  
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Турғунбой МАДИЁРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Мухайе ТУЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
- Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-23-10
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-24-98
- Жиззахда — 2-31-41
- Навоийда — 3-52-99
- Наманганда — 6-22-10
- Нукусда — 2-44-46
- Самарқандда — 35-64-22
- Термизда — 2-70-07
- Тошкентда — 56-82-79
- Фарғонада — 24-48-53
- Ўрашда — 6-03-40
- Қарғида — 5-33-71

• Мухарририятга келган қўлезмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят востачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



- СОТУВДА эркин нарҳда.
- Жума кунлари чиқади.
- Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:  
Сайдазим ШАРОФҲОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.
- Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат кўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.
- IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
- «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-0169

1 2 3 4 5 6